



«YANGI O'ZBEKISTONDA ERKIN VA FAROVON YASHAYLIK!»

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



www.mv-vatanparvar.uz



vatanparvar09@mail.ru



Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan

VATANPARVAR



Saytimizga o'tish
uchun QR-kodini
skaner qiling.



Vatan deb yonganlar so'nmagay

Vatan deb yonganlar so'nmagay aslo,
Xalqim deb kuyganning boqiydir umri.
Tunda yulduz bo'lib taratar ziyo,
Tonglarni uyg'otar jannatiy nuri.

Mayin shabbodada yuzingiz silab,
Ruhingiz poyiga jur'at to'shaydi.
So'nik dilingizga umid bag'ishlab,
Zafarlarga chorlar tug'ga o'xshaydi.

Vatan deb yonganing o'chmas chirog'i,
Nomi asralgusi to hayot mangu.
Sharaf-shon, duoning yo'qdir sanog'i,
To mashhar el ichra boqiy yashar u.

Hurlikka fidolar so'nmagay abad,
Jasorat izlari millat qarog'i,
"Biz ham..." deb qad tutar minglab azamat,
Ularning da'vati mardlik sabog'i.

Elim deb yonganlar quyosh — so'nmas nur,
Ufqqa bosh qo'yib, qaytadi sahar.
Ular manguликka daxldor axir,
Ular boqiylikka etganlar safar.

Vatan deb yonganlar so'nmagay aslo.

Zulfiya YUNUSOVA

- XALQ VA ARMIYA YAKDILLIGI YO'LIDA
- VATAN TAQDIRIGA DAXLDORLIK HISSI
- ORZULAR MAQSADGA AYLANDI
- O'LMAS UMARBEOVNING "QIYOMAT QARZ" I



Mudofaa vazirligi tizimiga oid so'nggi yangiliklar bilan
quyidagi manzillar orqali tanishing:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya

2021-yil 20-avgust, №33 (2940)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР, КЕНГ ИМКОНиятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари

Савол. *Муҳтарам Президент, аввало, газетамиз учун интервью беришга розилик билдирганингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этамиз.*

Маълумки, кейинги беш йил давомида мамлакатимизда кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. «Янги Ўзбекистон» деган тушунча реал воқеликка айланмоқда. Сиз давлат бошлиғи, ана шу ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ташаббускори ва уларнинг марказида турган ислохотчи раҳбар сифатида бу янгиланишларнинг мазмун-моҳиятини биринчи навбатда нималарда кўрасиз?

Жавоб. Аввало, шуни айтиш керакки, ўз юртида озод ва эркин ҳаёт, адолатли жамият барпо этишдек улкан мақсадни ўз олдига қўйган ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллат оғир, машаққатли ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтади.

Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган ўзбек халқи ҳам 1991 йил 31 августда муқаддас орзусига эришди – жонажон Ватанимиз ўз давлат мустақиллигини қўлга киритди.

Насиб этса, яна санокли кунлардан кейин ана шу қутлуғ сананинг 30 йиллигини улкан шодиёна сифатида кенг нишонлаймиз.

Бу шонли байрам олдида мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Жойларда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари шиддат билан олиб борилмоқда. Жумладан, пойтахтимизга туташ 100 гектардан ортиқ улкан ҳудудда «Янги Ўзбекистон» боғи ҳамда бетаксир Мустақиллик мажмуаси жадал суръатлар билан бунёд этилмоқда. Насиб этса, бу йил энг улғу, энг азиз байрамимизни мана шу янги майдонда ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди, мард ва олижаноб халқимизнинг букилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этилди. Тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси – Асосий қонунимиз ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ватанимиз суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Ўзбекистонда замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солинди. Давлат ҳокимиятининг учта мустақил тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қарор топди. Том маънодаги конституциявий давлат барпо этилди.

Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва давлат мустақиллигини, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ҳамда миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар ташкил этилди. Миллий валютамиз – сўм жорий этилди ва олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди.

Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлгимиз тикланди.

Мана шундай унутилмас тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб этганидан бахтиёрман.

Мустақил тараққиёт борасида эришган улкан ютуқлар билан бирга, йўлимиз айрим хато ва камчиликлардан ҳам холи бўлмаганини очик айтиш лозим. Мустабид тузумдан воз кечиб, демократик жамият барпо этишга қаратилган жараёнлар, мураккаб ва таҳликали даврнинг ўзи турли муаммо ва вазифаларни олдимизга кўндаланг қўйди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун билим ва тажрибамиз, ирода ва қатъиятимиз баъзан етса, баъзида етмаган ҳолатлар ҳам бўлди.

Шу боис мамлакатимиз тараққиётини янги, юксак босқичга кўтариш, бунинг учун янги ислохотларни амалга ошириш объектив зарурат, энг муҳим стратегик вазифага айланди.

Дарвоқе, «янги» деган сўзнинг биз учун алоҳида аҳамияти бор. Масалан, энг кўҳна байрамларимиздан бири **Наврўз – Янги кун** деб аталишини эсга олайлик. Ушбу қадимий байрам билан боғлиқ қадрият ва анъаналар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, халқимиз асрлар давомида, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий айтганларидек, **«Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз!»** деган эзгу тилаклар, пок ниятлар билан яшаб келади.

Ёки ўтган асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз «жадидчилик», яъни янгиланиш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққанларини барчамиз яхши биламиз. Бу улғу зотларнинг мақсади – жаҳолат ва қолоқлик гирдобиди қолиб келадиган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илгор касб-хунарлар билан қуролантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига олиб чиқишдан иборат эди.

Жадидлар томонидан ташкил этилган янги усулдаги мактаблар, театр, кутубхона ва музейлар, газета ва журналлар, Туркистон фарзандларини чет элларга ўқишга юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқимизни неча асрлик ғафлат уйқусидан уйғотди, миллий озошлик ҳаракати учун беқиёс куч берди. Афсуски, юртимизда большевиклар диктатураси ўрнатилгани, чор мустамлакачилик сиёсати янгича шаклда давом эттирилгани маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермади. Лекин уларнинг эзгу орзу-ниятлари халқимизнинг қон-қониди, тарихий хотирасида сақланиб қолди ва ҳануз яшамокда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган **«Янги Ўзбекистон»** ғояси замирида ана шундай улғу ажодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламиз.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари мил-

лий ўзликини англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтаради. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса **«Ренессанс»** – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён.

Маълумки, бугунги Ўзбекистон замини қадимда икки буюк уйғониш даврига – Биринчи (маърифий – IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар – XIV-XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган. Бу – жаҳон илм-фанида ўз исботини топган ва тан олинган тарихий ҳақиқатдир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун **«Янги Ўзбекистон»** ва **«Учинчи Ренессанс»** сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улғу мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Айнан мана шу жараён мен учун ислохотларимизнинг энг катта натижасидир. Чунки мақсаднинг аниқлиги – ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезондир.

Агар биз бундан беш йил олдин қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини муҳтасар ифода этадиган бўлсак, ушбу ноёб ҳужжатда ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйган эдик.

Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир.

Ўтган тарихан қисқа даврда ислохотлар туфайли эришган натижаларимиз ҳақида узоқ гапирмоқчи эмасман. Бу мавзуда мамлакатимиз ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари орқали нуфузли давлат ва сиёсат арбоблари, эксперт ва таҳлилчиларнинг фикрлари мунтазам эълон қилиб келинмоқда.

Бундай холис баҳолар барчамизни қувонтиради. Айна вақтда шуни таъкидлашни истардимки, биз бу демократик ўзгаришларни кимларгадир ёқиш, мақтаниш, турли рейтингларга кириш учун эмас, аксинча, демократик жараёнлар ўзимизга сув билан ҳаводек зарур бўлгани учун, халқимиз, авваламбор, ёш авлодимизнинг бугунги ҳаёти ва эртанги истиқболини

ўйлаб, миллий манфаатларимиз йўлида амалга оширмоқдамиз.

Биз – Ўзбекистон фуқаролари жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар, янги имконият ва қадриятлар шаклланаётганини ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этмоқдамиз. Айниқса, «инсон ҳуқуқ ва эркинликлари», «қонун устуворлиги», «очиқлик ва ошкоралик», «сўз эркинлиги», «дин ва эътиқод эркинлиги», «жамоатчилик назорати», «гендер тенглик», «хусусий мулк дахлсизлиги», «иқтисодий фаолият эркинлиги» сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланиб бораётгани эътиборлидир.

Бир ҳақиқатни очик тан олишимиз лозим: вақт ўтиши билан ислохот жараёнлари тобора кенгайиб бормоқда, шиддатли замон олдимизга янада улкан вазифаларни қўймоқда. Ҳаётнинг ўзи бизни кўп нарсасида ўргатмоқда. Шу сабабли биз доимий изланишдамыз. Изланиш бор жойда ютуқлар билан бирга камчилик ва нуқсонлар ҳам бўлиши табиийдир.

Энг асосийси, «Ҳаракатда – баракат» деганларидек, биз энг қийин босқичдан ўтдик, яъни йўлимизни аниқ белгилаб, катта ишларни бошладик. Энди ҳамма гап ислохотлар йўлини қатъият билан давом эттириш ва мантиқий якунига етказишда. Бу албатта, осон эмас, аммо биз бунга қодирмыз. Муҳими, кейинги йилларда бундай улкан ва мураккаб вазифани амалга ошириш учун етарли сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-институционал замин яратилди.

Савол. *Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган муҳим конституциявий тамойилни жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда. Бунинг сабаби нимада?*

Жавоб. Мен кўп йиллар давлат бошқарувининг энг қўйи бўғинидан бошлаб, ўрта ва энг юқори поғонагача – барча босқичларда масъул лавозимларда ишлаганман, Олий Мажлис депутати ҳам бўлганман. Шунинг учун ҳам эски бошқарув тизимининг барча нуқсон ва камчиликларини, аҳолини қийнаётган дарду муаммоларни қўйи бўғиндан бошлаб, ич-ичидан, бошқалардан кўпроқ биламан, деб тўлиқ ишонч билан айта оламан.

Буюк Амир Темуր бобомизнинг Шаҳрисабздаги Оқсарой қароргоҳи пештоқига битилган **«Адолат – давлатнинг асоси ва раҳбарлар шиориридир»** деган ҳикматли сўзларида жуда чуқур маъно бор.

Маълумки, ажодларимиз азалдан **«Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат кўргонини бунёд эт»**, деб ёш авлодга йўл-йўриқ кўрсатганлар. Биз ҳам суд-ҳуқуқ тизимини ислох этишда ана шундай содда ва ҳаётий талаблардан келиб чиқдик. Хусусан, **«Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида –**



поклик бўлиши керак» деган ғояни илгари сурдик ва амалга оширишни бошладик.

Шу ўринда мамлакатимизда давлат ва ҳокимият идоралари узоқ вақт давомида халқ ҳаётидан узилиб қолганини қайд этиш лозим.

Сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан давлатга **«халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган орган»** деб таъриф берилади. Давлатни ким шакллантиради? Халқ ва унинг мухтор вакиллари. Бинобарин, давлат ва унинг органлари аввало кимга хизмат қилиши керак? Албатта, халққа, турли мансаб эгаларига овоз берган ва ишонч билдирган фуқароларга.

Шу маънода, халқимиз давлат хизматидан рози бўлишга ҳар томонлама ҳақли ва муносибдир.

Ана шундай тамойиллар асосига қурилган давлат ҳокимиятигина том маънода халқчил, демократик ҳокимият ҳисобланади. Бундай давлат ва жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий илдишлари мустаҳкам ва бақувват бўлади. Шу сабабдан биз халқимизнинг оғирини энгил қилиш, унинг муаммоларини вақтида ва самарали ечиш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашни барча ислохотларимизнинг бош мақсади этиб белгиладик.

Мен давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган 2017 йилга мамлакатимизда **«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»**, деб ном берганимиз замирида ҳам айнан шундай интилиш ва ҳаракатларимиз мужассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Албатта, биз эски тизимни батамом ўзгартириб, ўз олдимизга қўйган мақсадга тўлиқ эришдик, деб айтишга ҳали эрта. Такрор айтаман, биз ҳар куни изланишдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, холос. Лекин «Бу ўзгаришлар – вақтинчалик кампания, ўтади-кетди», деганлар янглишади. Бу – Президент ва унинг командаси узоқни кўзлаб юритаётган прагматик халқчил сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири ва уни халқимиз билан биргаликда, албатта, охиригача олиб борамиз, ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

Бугунги кунда биз эришган энг муҳим натижа ҳам аслида шу – демократик ислохотларимиз ортга қайтмайдиган тўс олди.

Мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вафир ва ҳокимлар, барча бўғиндаги мансабдор шахслар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвишлари билан қўғозда эмас, амалда жиддий шуғулланмоқда. Яъни авваламбор, давлат органлари халқ учун, ҳар бир фуқаро учун очилиб, улар билан фаол мулоқот олиб бормоқда.

Биз ҳаётимизда мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупция, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини очиқ тан олиб, уларни кенг жамоатчилигимиз билан биргаликда бартараф этмоқдамиз.

Бугун одамларда адолатга, ҳақиқатга ишонч пайдо бўлмоқда. Улар турли даражадаги раҳбар ва мансабдорларнинг иш фаолиятига ҳолисона баҳо бермоқда, камчиликларни ошкора танқид қилмоқда. Миллий тараққиётимиз учун бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, **«Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон»**.

Бугун одамлар уйғонмоқда, жамият уйғонмоқда. Маънавий уйғоқ жамият – бу, ҳеч шубҳасиз, қудратли кучдир.

Ўзингиз айтинг, атиги бир неча йил олдин бундай натижаларни тасаввур қилиш мумкинми? Йўқ, албатта. Шунинг учун **бугунги Ўзбекистон –**

кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Айни пайтда яна бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: **бугунги Ўзбекистон – бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган Янги Ўзбекистон эмас.** Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди. Йўлимиз шу пайтгача осон бўлгани йўқ, бундан кейин ҳам осон бўлмайди. Лекин биз дадил олдинга боришдан, керак бўлса, қутилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган но-анъанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз зарур.

Мана, сўнгги пайтда кўпгина масалаларда, жумладан, «прописка», хорижга чиқиш учун «стикер», мажбурий меҳнат, пахта ва ғаллага давлат бюртмасини белгилаш каби эски тартиблардан мутлақо воз кечиш бўйича ғоят муҳим қарорлар қабул қилдик.

Содда қилиб, жайдари тилда айтдиган бўлсак, бу билан осмон узилиб, ерга тушгани йўқ. Аксинча, бюрократия, вазифани суиистеъмол қилиш, тамагирлик кўринишлари камайиб, жамиятимиз ҳаёти эркинлашди, одамлар энгил нафас ола бошлади. Халқимиз ҳам, дунё жамоатчилиги ҳам бу қадамларимизни ижобий баҳоламоқда.

Янги Ўзбекистон – бу, аввало, янгича иқтисодий муносабатлар, янгича иқтисодий дунёқараш демакдир. Шу боис мамлакатимиз иқтисодий тизими тўлиқ қайта қурилмоқда, қанчалик оғир бўлмасин, бозор механизмларини амалда жорий этишни бошладик.

Ҳозирги вақтда электрон карточкадаги пулларни банкوماتлар орқали нақд пулга айлантириш, миллий валюта курсининг «қора бозор»да – бир хил, банкларда эса бошқача бўлиши, хорижий валюталарни сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан уй-жой ва мол-мулк сотиб олиш ҳамда уларни рўйхатга қўйиш билан боғлиқ муаммолар тарихда қолди.

Ислохотлар аҳолининг барча қатламлари манфаатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда: тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш учун эркинлик ва янги-янги имкониятларга эга бўлмоқда, деҳқон ва фермерлар, кластер хўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланмоқда. Ҳолбуки, собиқ мустабид тузум даврида «тепа»дан буйруқ бўлмаса, бир қадам босишга ҳам ҳақимиз йўқ эди. Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигача пахта экдик, лекин косамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан **«Миллион эгатларга сочилган ўзбек»**, деб ёзганидек, юз йил эгилиб пахта тердик.

Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди. Мана, уч йилдан буён улар бу машаққатдан қутулди. Қанчалик қийин бўлмасин, бу соҳада биз бозор иқтисодиётининг синалган ва самарали усулларини, жумладан, кластер тизимини жорий этдик. Кластерлар ёрдамида гектаридан пахта бўйича – 50 центнер, ғалла бўйича 100 центнердан ҳосил олишни кўзлапмиз ва бу марраларга, албатта, эришамиз.

Афсуски, мамлакатимизда тезлик билан ҳал этиш керак бўлган ўткир муаммолар бошқа соҳаларда ҳам йиғилиб қолган эди. Ҳаммаси жойида, деган кайфият билан уларни билиб – билмаганга, кўриб – кўрмаганга олиб, ғафлат уйқусига ботиб юравериш ҳам мумкин эди. Лекин бу ўзимизга, халқимизга, келажакка нисбатан хиёнат бўларди.

Очиқ айтмоқчиман: менинг табиатим бундай сохта ҳаётни мутлақо қабул қилолмайди. Халқимиз

менга ишонч билдирди, ана шу юксак ишончни оқлаш, эл-юртимизга муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш – мен учун ҳаётимнинг маъно-мазмунидир. Мен миллионлаб инсонларнинг тақдири учун масъулиятни зиммамга олган эканман, ислохотлар борасида бошқача йўл туттишим, ҳаммасини аввалгидек қолдиришим асло мумкин эмас.

Такрор айтаман: олдимизда турган ишларнинг барчасини ўзимиз, ўз кучимиз билан қилишимиз керак, ҳеч ким четдан келиб биз учун биронта муаммони ҳал қилиб бермайди.

Савол. Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олдимизда турган энг устувор вазифалар нималардан иборат?

Жавоб. Ўтган йил декабрь ойида Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада бу ҳақда атрофлича тўхталиб ўтган эдим. Шу боис саволингизга қисқача жавоб бермоқчиман.

Биринчи устувор вазифа: ижтимоий сиёсат мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Бугунги кунда халқ фаровонлигини, одамларнинг ҳаёт даражасини ҳар томонлама ошириш, бунинг учун янги иш ўринлари, даромад манбаларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш иқтисодий стратегиямизнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилди. Сиз, журналистлар, бундан, албатта, яхши хабардорсиз. Кейинги пайтда **«Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «маҳаллабай»** ва **«хонадонбай»** ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда. Шу асосда муаммога оид мавҳум кўрсаткичлар эмас, балки ёрдам ва кўмакка муҳтож ҳар бир оила ва фуқаронинг, хотин-қизлар, ёшларнинг муаммолари ўз жойида аниқ ўрганилмоқда, улар вақтида ва самарали ҳал этилмоқда.

Кексалар, ногиронлар, оғир аҳволга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва муруват кўрсатиш каби эзгу анъаналар бугунги кунда янгича маъно-мазмун, амалий ҳаракатлар билан бойиб, такомиллашиб бормоқда. Бу борада, айниқса, **«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Беш муҳим ташаббус», «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажакимиз»** каби дастурлар ўз ижобий натижасини бермоқда.

Биргина **«Обод қишлоқ»** ва **«Обод маҳалла»** дастурлари доирасида 2021 йилда барча шаҳар ва туманлардаги жами 7 минг 794 та қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керакки, **миллий тарихимизда қишлоқ ва маҳаллаларимизни ободонлаштиришга ҳеч қачон бунчалик катта маблағ ажратилмаган, энг муҳими, уларнинг ривожига бу қадар жиддий эътибор берилмаган.**

Ана шундай кенг қўламли ишларни амалга ошириш учун раҳбарлар қўлай ва шинам кабинетлардан чиқиб, бевосита пастга, маҳалла даражасига тушиб ишламоқда.

Ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг аниқ манзилли хусусиятга эга экани ҳар бир муҳтож инсонга унинг реал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Бунда ушбу тоифага мансуб ҳеч бир инсон эътибордан четда қолмаслигига алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Таклиф ва ташаббуслар илгаригидек фақат «тепа»дан эмас, балки кўпроқ қуйидан бўлмоқда. Уларни

амалга оширишда эса қуйи, ўрта ва юқори бўғиндаги давлат бошқарув идораларининг самарали ҳамкорлиги иш бермоқда. Шу асосда жамиятимизнинг ижтимоий манзараси бутунлай ўзгармоқда, самарали бошқарувнинг натижадорлиги ошмоқда, энг муҳими, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга, ўзининг тақдири ва эртанги кунга ишончи ортмоқда.

Мен бундай ўзгаришларни жамият тараққиётининг энг асосий сифат кўрсаткичлари, деб ҳисоблайман.

Албатта, ижтимоий ҳимоя тизимидаги айрим камчилик ва нуқсонлар сақланиб қолмоқда. Биз уларни босқичма-босқич бартараф этамиз, ушбу тизимни такомиллаштириб, яхши натижа берадиган, жамиятдаги барча соғлом кучларни шу мақсад атрофида бирлаштирадиган даражага етказамиз.

Муҳтож фуқароларни тўғридан-тўғри, аниқ мақсад билан моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишда асосий эътибор аҳолининг кам таъминланган қатламларига дотация бериш эмас, балки уларга даромад топиш учун зарур шароит ва имкониятлар туғдиришга қаратилмоқда.

Иккинчи устувор вазифа: иқтисодий тараққиёт соҳасида ўсиш нуқталарини аниқлаш ва уларга алоҳида аҳамият қаратиш, шу тариқа Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муҳим роль ўйнайди.

Масалан, биз учун ўта муҳим бўлган тўқимачилик тармоғини олайлик. Корхоналаримиз бу соҳада пахтани етиштиришдан бошлаб уни чуқур қайта ишлашгача, якуний маҳсулот ишлаб чиқаришга қадар бўлган барча технологик жараёнларни пухта ўзлаштириб, экспорт ва фойда ҳажмини бир неча баробар оширган тақдирдагина мазкур йўналишда етакчи мамлакатларнинг ишлаб чиқарувчилари билан рақобатлаша олиши мумкин.

Она заминимиз бағридаги бой хомашё ва қазилма бойликларни эл-юртимиз манфаатлари йўлида ишлатиш мақсадида юқори самарали, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилмоқда. Шу борадаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли кейинги йилларда Қандим газни қайта ишлаш комплекси, Тошкент металлургия заводи каби йирик ва ноёб объектлар ишга туширилди, Навоий кон-металлургия мажмуаси ҳамда Ўзбекистон металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Ана шу ишларимизнинг давоми сифатида яқинда етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Олмалик кон-металлургия комбинатининг янги мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланганидан хабарингиз бор.

Биз иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган хусусийлаштириш жараёнида фақат давлат корхоналарини сотиш эмас, балки уларнинг рақобатдошлигини ошириш, иқтисодий соҳадаги миллий манфаатларимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мутлақо янги ёндашувларни қўллашга устувор аҳамият бермоқдамиз. Давлат активларини сотишда шаффофлик ва самарадорликни, кенг жамоатчилик иштирокини таъминлайдиган кафолатларни яратиш айниқса ўта муҳимдир.

Учинчи устувор вазифа: биз ҳозирги глобал пандемия даврида аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, жумладан, тадбиркорларни ўз муаммолари гирдобига ташлаб қўймасликни асосий мақсадларимиздан бири сифатида кўрамиз. Чунки ҳар бир тадбиркорлик тузилмаси ортида қанча-қанча инсонларнинг иш ўрни,



оилаларнинг даромади, бугунги ва эртанги тақдири турибди.

Янги Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес субъектлари сони кейинги пайтда икки баробар кўпайди, ушбу тармоқдаги 50 фоиздан зиёд корхоналар фақат кейинги уч йилда ташкил этилган. Бу эса мамлакатимизда муҳим ижтимоий қатлам – ўрта синфнинг кучайиши учун пухта замин бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш барча иқтисодий ислохотларнинг бош масаласи бўлиб қолмоқда. Тадбиркорлар уларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги чиройли сўзларни кўп эшитган, энди бу гапларнинг амалий таъсири ва натижасини ўз кундалик фаолиятида ҳис этиши керак.

Бизнес аҳли ҳақида фақат солиқларни тўлаш ва текширишлар пайтида эслайдиган замонлар ўтиб бўлди. Шу нуқтаи назардан, солиқ қонунчилигини мақбуллаштириш борасида биз анча иш қилдик, лекин ҳали олдимида янада катта вазифалар турибди ва биз уларни, албатта, амалга ошираемиз.

Айрим маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлар ишига аралашади, «телефон ҳуқуқи»дан фойдаланиб, уларга тазйиқ ўтказиш ҳолатлари учраб тургани ҳам бор гап. Биз бундай муаммоларга узил-кесил нуқта қўйиш устида ишлаяпмиз. Агар биз тадбиркорларни қўллаб-қувватламасак, уларга шароит яратиш бермасак, хусусий корхоналар сонини кўпайтирмасак, шаҳар ва туманларнинг маҳаллий бюджети ночор аҳволда қолаверади.

Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз керак: тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш – фуқаролар, халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг самарали йўли, Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг пировард мақсадидир.

Бу соҳадаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни ҳал этишда мамлакатимиз ҳаётини янада эркинлаштириш, очиқлик ва ошкоралик муҳитини, жамоатчилик назоратини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди, деб ишонаман.

Тўртинчи устувор вазифа: пандемия қишлоқ хўжалигида тўб ўзгаришлар амалга ошириладиган даврга тўғри келди. Бу давр озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр секторни замон талаблари асосида ривожлантириш бутун инсоният, жумладан, биз учун ҳам энг долзарб вазифага айланиб бораётганини яққол тасдиқлади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги бўйича улкан салоҳиятга, қадимий тажриба ва бой анъаналарга эга. Аммо узоқ вақт мобайнида ушбу тармоқда бозор иқтисодиётига хос ёндашув ва моддий рағбатлантириш механизмлари жорий этилмади, уни ривожлантиришга маблағ ва илмий инновациялар етарлича жалб қилинмади. Оқибатда ернинг мадори қуриди, тупроқ унумдорлиги пасайди.

Тасаввур қилинг, мустақиллик даврида, яъни кейинги 30 йилда Ўзбекистон аҳолиси 15 миллион нафарга кўпайди. Бу ўртача бир мамлакат аҳолиси, демакдир. Қолаверса, вақт ўтиши, ҳаёт ўзгариши билан одамларнинг истеъмол талаби ва эҳтиёжлари ҳам муттасил ортиб бормоқда. Еримиз, сувимиз эса кўпаймаслиги табиий, албатта. Бундай ресурслар нафақат бизда, бутун дунёда чекланган. **Бинобарин, биз энди ақлимизни, интеллектуал салоҳиятимизни, билим ва тажрибамизни оширишимиз, айнан ана шу омилларни иқтисодий ўсиш нуқталари ва ресурс манбаларига айлантиришимиз шарт.**

Бу ниманинг ҳисобидан бўлади? Албатта, бунга билим ва тажриба, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиш, юқори технологияларни жорий этиш, ислохотларни

самарали олиб бориш ҳисобидан эришиш мумкин.

Шу сабабли биз аграр секторни ялпи ва тизимли трансформация қилишни бошладик. Ушбу соҳани иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бирига айлантириш – бош мақсадимиздир. Шу мақсадда 2020–2030 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган **Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясида** тармоқни ривожлантириш борасидаги асосий вазифалар аниқ-равшан белгилаб қўйилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат сектори ва қишлоқларни яқин ўн йилда жадал тараққий эттириш режаси кўзда тутилди.

Аграр соҳада ишларни бутунлай янги асосда ташкил этиш орқали тармоқнинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, ушбу йўналишда минглаб янги иш ўринлари яратиш ва қишлоқ жойларда одамларнинг ҳаёт даражасини юксалтириш сари муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Бешинчи устувор вазифа: пандемия даврида халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш биз учун энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда 2021 йил учун давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Ушбу маблағ ҳисобидан тиббиёт соҳасида кўпгина чора-тадбирлар, жумладан, аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина хизматини йўлга қўйиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори штат бирлиги ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат «тиббий бригадалар» ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда хусусий тиббий клиникалар очишга кенг имкониятлар яратиш берилётганига қарамасдан, жойларда гемодиализ, тиббий диагностика ва реабилитация хизматлари бўйича шифохоналар етишмаяпти. Шунинг учун давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни кўпайтириш, 170 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмасини компьютер томографлари билан таъминлаш, улардан фойдаланиш бўйича ходимлар малакасини оширишга қаратилган амалий ишлар бошланди.

Тиббиётдаги яна бир мураккаб муаммо – юқори малакали кадрлар етишмаслигидир. Шу боис янги ўқув йилидан бошлаб клиник ординатуранинг қабул квотаси икки баробар оширилади. Вилоят ҳокимликлари ўз ҳудуди учун зарур бўлган ана шундай мутахассис-шифокорларни тайёрлашга маҳаллий бюджетдан грантлар ажратади.

Мамлакатимизда инсон аъзоларини трансплантация қилиш бўйича қонуний асосларни ишлаб чиқишни бошладик. Бу борада норматив-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги туфайли илгари, донорлик қилувчи шахс беморнинг яқин қариндоши бўлмаса, трансплантация учун рухсат берилмас эди. Кўпчилик фуқароларимиз бундай тиббий операцияни чет элда ўтказар, хорижга боришга қурб етмаганлар эса чорасиз аҳволда қолар эди.

Бизни энг қийнайдиган масалалардан бири – соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция ҳолатларидир. Ўтган йилнинг ўзида тизимда 30 миллиард

сўмдан ортиқ маблағни талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланди ва айбдорлар қонуний жазога тортилди. Шунинг учун бу соҳада таъсирчан назорат тизимини ўрнатишга, аввало, жамоатчилик назоратини кучайтиришга жиддий аҳамият берилмоқда.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, одамлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш нафақат тиббиёт соҳаси, балки бутун жамиятимиз олдидаги долзарб вазифадир. Ҳар бир инсон ўз соғлиғи ҳақида аввало ўзи ўйлаши, ғамхўрлик қилиши керак. Айниқса, коронавирус пандемияси бутун ер юзидан, юртимизда ҳам давом этаётган ҳозирги пайтда бунинг аҳамияти бекиёсдир.

Шу боис бепарволикка, лоқайдликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Коронавирус ҳали ҳам ёнимизда, биз билан бирга яшамокда. Шунинг учун мамлакатимизда тегишли тиббиёт марказлари, дори-дармон ва ҳимоя воситаларининг етарли захираси шакллантирилди. Худудларда 60 та кислород станциясини ишга тушириб, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларини кислород билан узлуксиз таъминлаш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Юртимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

Республикаимизда шу йил 1 апрелдан бошлаб аҳолини коронавирусга қарши эмлаш жараёнлари узлуксиз давом этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни ўз соғлиғига масъулият билан қараб, бу хавfli касалликка қарши эмлаш тадбирларида фаол иштирок этишга яна бир бор қадамиз.

Олтинчи устувор вазифа: биз янги шароитда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга интилоқдамиз. Бундай ёндашув – бугунги ва келгуси ривожланишимиз учун мустаҳкам пойдевордир.

Шу маънода, **Янги Ўзбекистонни барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққий йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир.**

Кейинги йилларда маданий-гуманитар йўналишда – маданият, кино, рақс ва тасвирий санъат соҳаларини, адабиёт ва китобхонликни ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз халқимизга яхши маълум, албатта. Хусусан, халқаро мақом анжумани, бахшичилик ва миллий ҳунармандчилик фестивалларини ташкил этганимиз ва юксак савияда ўтказганимиз Янги Ўзбекистонни дунёга кенг тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Миллий тарихимизни холис ва ҳаққоний тадқиқ этиш учун бугунги кунда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази, «Ўзбекистон тарихи» телеканали фаолият кўрсатмоқда.

Ислом дини ривожини йўлида бекиёс хизмат қилган буюк муҳаддис боболаримизнинг диний ва илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Самарқандда – Имом Бухорий, Сурхондарёда – Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази иш олиб бормоқда.

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази халқимизнинг бой диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда бекиёс ўрин тутадиган илм-маърифат марказига айланади.

Биз ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб, бу соҳадаги фаолиятимизни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. **«Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»** ҳамда **«Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»** шу йил март ойида қабул қилинган Президент қарорлари айна шу соҳадаги вазифаларни самарали ҳал этишга қаратилгандир.

Янги Ўзбекистон нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларда барча соҳалар қатори маънавий-маърифий масалаларга оид ташаббусларни ҳам дадил ўртага қўймоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида **«Маърифат ва диний бағрикенглик»** резолюциясини қабул қилиш бўйича илгари сурилган ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Яқинда мазкур резолюция қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видео-анжуман шаклида ўтган саммитида илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантиришга қаратилган яна бир муҳим ташаббусимиз қабул қилиниб, Туркий кенгашнинг **Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти** таъсис этилди. Биз буни барча туркий халқларнинг фахру ифтихори бўлган ҳазрат Алишер Навоий бобомизга, шундай улў зотларни тарбиялаб вояга етказган халқимизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

Савол. Янги Ўзбекистонни барпо этишда ташқи сиёсатга, дунёдаги олис ва яқин давлатлар билан дўстона ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ички ва ташқи сиёсатнинг ўзаро боғлиқ ва ўйғун жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

Жавоб. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, биз мамлакатимиз янгиланиш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиш, дунёдаги барча тараққийпарвар мамлакатлар, айниқса, қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ўзбекистон ўтган даврда ана шу стратегик йўлга доимо содиқ қолиб, ўз шериклари ҳамда халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариб келмоқда.

Ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. **Дунёда Янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.**

Биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан муносабатларимизда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилди. Қўшни – қўшнисини билан, ака – укаси, ота – боласи, қариндош – қариндоши билан узилиб қолган алоқаларни тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошлади. Виза масалалари ҳал этилди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларимиз жадал ривожланмоқда.

Азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар бўлган мамлакатларимиз кўпгина минтақавий ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича яқин ҳамкорликда ҳаракат қилишни бошлади. Жаҳон сиёсатшу-



нослигида «Марказий Осиё руҳи» деган ибора пайдо бўлди.

Шу йилнинг 5-6 август кунлари Туркменистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви бу жараёнга янги мазмун ва куч бағишлаши билан эътиборлидир.

Ана шу мисолларнинг ўзиёқ ички ва ташқи сиёсатнинг бир-бирига нақадар боғлиқ ва ҳамоҳанг эканини кўрсатади. Энг муҳими, ички ва ташқи сиёсатимиздаги ана шундай уйғунлик халқимиз манфаатларини кўзлаб амалга оширилмоқда ва бунинг натижасини оддий одамлар ўз ҳаёти ва тақдирида ҳис этмоқда.

Яна бир муҳим томони шундаки, Ўзбекистон бугун ўзининг узоқни кўзлаган сиёсати билан минтақамиз ва жаҳондаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Парламентлараро Иттифоқ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди.

Мамлакатимиз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик иттифоқи ҳузурида кузатувчи мақомини олди. Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди ва унинг 2021 йил 22 февралда Женева шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган 46-сессиясида муваффақиятли иштирок этди.

Ўтган йили мамлакатимиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига раислик қилди ва пандемияга қарамасдан, МДҲ доирасида кўзда тутилган 60 дан зиёд барча халқаро тадбирлар самарали ўтказилди, 70 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларидаги интеграция ва ҳамкорлик жараёнларини фаоллаштиришда тобора муҳим роль ўйнамоқда. Шу йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда мамлакатимиз томонидан илгари сурилган янги таклиф ва ташаббуслар нафақат ушбу бепоён минтақалар давлатларида, балки жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган янги транспорт йўлларини барпо этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Конференция Тошкент руҳини яна бир қарра намоеъ этди.

Бугунги кунда **Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси** такомиллаштирилмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатда ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг асосий хорижий шериклари ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалари янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдордир.

Маълумки, Ўзбекистон 2021–2022 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилади. Ҳозирги вақтда биз бу муҳим сиёсий тадбирни

юқори савияда ўтказиш учун жиддий тайёргарлик ишларини олиб бормоқдамиз.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сўз ва диний эътиқод эркинлиги, гендер тенглик бўйича эришаётган ютуқларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамланиб бормоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш ва улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида «**Ватандошлар» жамғармаси** ташкил этилди.

Жамиятимизда миллатлараро тоғувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Ҳар йили Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланадиган 30 июль санаси Ўзбекистонда «**Халқлар дўстлиги куни**» деб эълон қилинди. Бу йил ушбу байрам мамлакатимизда биринчи бор кенг нишонланди. Буни ҳам ички ва ташқи сиёсат омиллари бирлашадиган муштарак ҳодиса сифатида қабул қилиш мумкин.

Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам экологик муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор берилмоқда. Қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттиряпмиз. Денгизнинг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилмоқда, Оролбўйи ҳудудларида улкан қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган **Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди** фаолияти муҳим роль ўйнамоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, Ўзбекистоннинг **Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди** деб эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги муҳим ташаббуси 2021 йил 18 май куни Ассамблея томонидан бир овоздан маъқулланганини қайд этиш ўринлидир. Ушбу резолюцияни ишлаб чиқишда АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Озарбайжон каби дунёдаги нуфузли давлатлар, жами 50 мамлакат ҳаммуаллиф сифатида иштирок этгани бу ташаббус жаҳон ҳамжамиятида қандай катта қизиқиш уйғотганидан далолат беради.

Савол. Маълумки, *ислохотлар самараси кўп жиҳатдан раҳбар кадрлар, айниқса, маҳаллий ҳокимларнинг билим ва тажрибаси, сиёсий савияси ва маданиятига боғлиқ. Шу маънода, Президентнинг жойлардаги вакиллари бўлган ҳокимларнинг иш фаолияти Сизни қониқтирадими?*

Жавоб. Мен бу ҳақда ўтган йили Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эдим. Нафақат ҳокимлар, балки барча бўғиндаги аксарият катта-кичик раҳбарларда билим ва тажриба, ташкилотчилик салоҳияти, эл-юрт иши учун фидойилик туйғусининг етишмаслиги мени қийнайдиган энг мураккаб масаладир.

Тўғри айтдингиз, жойларда ислохотларнинг самарали амалга оширилиши биринчи навбатда ҳокимларга, уларнинг билим ва тажрибаси, ишбилармонлик хусусиятларига боғлиқ. Энг муҳими, улар одамларнинг ишончини қозонган бўлиши шарт. Аҳоли жойлардаги раҳбарларга, уларнинг иши, хизмат ва муомала маданияти, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий савиясига қараб, давлат ҳокимиятига баҳо беради. Лекин очиқ айтадиган бўлсак, ҳокимлар, умуман, қуйи бўғиндаги раҳбарларнинг барчаси ҳам эл-юрт ўртасида етарли обрў-эътиборга эга эмас.

Афсуски, кўпчилик раҳбарлар халқнинг ичига кириб, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшашни қандайдир иккинчи даражали иш, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам улар кўп-кўп масалаларда заиф ва ожиз бўлиб қолмоқда.

Аслида халқ билан мулоқот, доимо инсонлар ташвиши ва муаммоларини ўйлаб яшаш ҳар қандай раҳбар учун биринчи ва муқаддас вазифа бўлиши шарт. Раҳбарлик ва бошқарув маданияти, ҳаётий билим ва тажрибалар қаердан бошланади? Халқ билан бевосита мулоқот қилишдан бошланади. Айниқса, қуйи поғонадаги раҳбарлар ўз дунёқарашини ўзгартириб, оддий фуқарога елкадош бўлиб, тадбиркорга дўст бўлиб ишламаса, биз қанчалик кўп куч ва маблағ сарфламайлик, фармон ва қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, жойларда ислохотларимизнинг олдинга юриши қийин бўлади.

Яширишнинг ҳожати йўқ – жуда оғир, таҳликали ва шафқатсиз рақобат замонида яшаяпмиз. Дунё шундай шиддат билан ўзгаряптики, кечаги сиёсий-иқтисодий таҳлил ва башоратлар бугунги кунга тўғри келмаяпти. Ўзаро қарама-қаршилиқ, «савдо урушлари», экологик муаммолар кучайиб бормоқда. Ана шундай мураккаб шароитда эл-юрт билан ҳамдард, ҳамнафас бўлиб яшамайдиган, ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган оддий ҳақиқатларни тушунмайдиган мансабдорларнинг раҳбар сифатида келажаги йўқ. Уларга бирон-бир масъулиятли вазифани ишониб ҳам бўлмайди.

Бир пайтлар мен ҳам ҳоким бўлиб ишлаганман. У вақтлардаги шароитни ҳозирги имкониятлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Кўп-кўп масалаларда қўл-оёғимиз боғланган эди, ҳамма нарсани «тепа»нинг қош-қовоғига қараб бажаришга тўғри келарди. Энг ёмони, қуйи бўғиндаги муаммолар бўйича юқори идоралардаги салқин кабинетларда ўтирган, қишлоқ ёки овулларда қийналиб яшаётган одамларнинг дарду ташвишларидан бутунлай йироқ бўлган, жойларда аҳвол қандай эканини тасаввур ҳам қилолмайдиган валломатлар қарор қабул қиларди.

Бугун эса ҳокимлар мустақил қарор қабул қилиб, мустақил иш олиб бориш ваколатига эга. Улардан илгаригидек ҳар бир қадамни Тошкентда, марказий идоралардаги мутасаддилар билан келишиш, бўлар-бўлмасга ижозат сўраш талаб этилмайди.

Ҳоким, раҳбар инсон сифатида, ниманидир билмаслиги ёки кўздан қочириши, хатога йўл қўйиши мумкин, буни тушунса бўлади, лекин у ана шу хатоларини тан олмаса, уларни тузатишни истамаса, ўқиб-ўрганишга, янгича ишлашга, ўз билим ва тажрибасини оширишга интизмаса, манфаатпарастлик ва маишатга берилган бўлса, бу ҳолатни мутлақо кечириб бўлмайди.

Менинг асосий талабим – одамларни тушуниш, уларнинг қувончу ташвишлари билан яшаш, ён-атрофдаги вазиятга оддий халқнинг кўзи билан қараш ва баҳо бериш, эл-улусдан ажралиб қолмаслик керак. Шундагина ҳудуд ёки тармоқни бошқариш ва муҳим қарорлар қабул қилишда аниқ самара бўлади.

Ҳар бир раҳбарнинг фаолият мезони – бу халқнинг орзу-умидларини ўзи учун асосий мақсад қилиб, уларни изчиллик билан рўёбга чиқаришдан иборат.

Ҳоким ва вазирларимиз, компания ва банкларимиз раҳбарлари орасида фаол, ишнинг кўзини биладиган, чуқур фикрлайдиган янги авлод вакиллари етишиб келаётгани мени қувонтиради. Улар халқ билан очиқ мулоқот қилмоқда, ташаббус кўрсатмоқда, юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмасдан, мустақил ва дадил иш олиб бормоқда.

Афсуски, баъзи етакчи ва мутасаддилар манманликка берилиб, ҳавола-ниб, оёғи ердан узилганини билмай қолади. Бу – улар учун ҳақиқий фожа. Албатта, бундай раҳбарларга бизнинг сафимизда ўрин бўлиши мумкин эмас. Бу нафақат Президентнинг, айти пайтда халқимизнинг, ҳаётнинг талабидир.

Савол. *Сиз давлат раҳбари учун халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини доимо таъкидлаб келасиз. Лекин ҳаётда барча масалалар бўйича халқ билан гаплашиш, унинг фикрини олиш имкони борми? Сиз ана шундай «бўшлиқ»ни тўлдиришга қандай эришасиз?*

Жавоб. Мен Президент сифатида иш бошлаган биринчи кунларданок ўз команدامни ҳақиқий ҳолатга мутлақо алоқаси бўлмаган баландпарвоз гаплар ва «чиройли» рақамларни ёқтирмаслигимни айтиб, қаттиқ огоҳлантирганман.

Қанчалик аччиқ ва ноқулай бўлмасин, мен фақат тўғри ва ҳаққоний маълумотни билишни истайман. Бу мен учун тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Албатта, бу талабни ҳамма ҳам тушуниб етгани йўқ, ҳалиям эскича усулда маълумот беришга уринишлар бўлиб туради. Лекин мен бундай ҳолатларга йўл қўймасликка ҳаракат қиламан. Ана шу ҳақиқатни тушунмаганларнинг кўпчилиги билан хайрлашдик ва бу масалада талаб доимо қаттиқ бўлади.

Халқимиз, Ватанимиз манфаатлари, жамиятимизнинг келажаги, фарзандларимизнинг бахтини таъминлашга қаратилган бугунги ислохот жараёнларининг ўзи шуни талаб этмоқда. Бу борада бошқача йўл тутишга ҳаққимиз йўқ.

Яна бир бор айтаман, раҳбар ва мутасадди шахслар ўртасида кимки ана шу ўтқир талабни тушунмаса, қанчалик оғир бўлмасин, улар билан хайрлашамиз.

Менинг мамлакатимиз бўйлаб амалга оширадиган ҳар бир ташрифимдан асосий мақсад – халқ қандай яшаётгани, нима билан нафас олаётганини билишдан иборат. Бу – ўта муҳим масала. Шунинг учун кўп ҳолларда сафар давомида йўналишни тўсатдан ўзгартиришимга тўғри келади. Бундай қутилмаган, ҳеч қандай протоколда қайд этилмаган «маршрут»лар жойлардаги раҳбарларни бўшашмасдан, доимо ишчан ҳолатда туришга ўргатади, деб ўйлайман.

Афсуски, неча бор айтишим, огоҳлантиришимга қарамасдан, жойларда фақат менинг ташрифим олтидан кўча ва майдонларни тозалаш, бир кечада бинолар олдида «майса-зор» ва «гулзор»лар пайдо қилиш, умуман, ҳақиқий ҳолатни бўяб кўрсатишдек хўжақўрсин ишлар давом этмоқда. Кўзбўямачилик, одамларни қийнаш, сохта ва баландпарвоз гапларга ўчлик йиллар давомида баъзи раҳбарларнинг қон-қонига шу қадар сингиб кетган эканки, улардан қутулиш қийин бўляпти. Лекин қандай бўлмасин, бу каби иллатларга бутунлай чек қўйишимиз керак. Чунки бундай ҳолатлар ростгўй, сохта гап ва ишни умуман қабул қилмайдиган халқимизнинг асл табиатига мутлақо ётдир.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг иши Президент келиб кетиши билан тугамасдан, аксинча, ташрифдан кейин янгитдан бошланиши, ҳатто олдингидан ҳам кўпайиши лозим. Шундагина ишимизда суръат ва сифат бўлади, натижа учун ишлашга ўрганамиз. Илгари ҳокимлар ташрифдан ташрифгача бўлган вақт оралиғида бамайлихотир, таъбир жоиз бўлса, ялло қилиб юрарди, энди эса улар ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйиб,



халқ билан маслаҳат асосида астойдил ишламоқда. Чунки улар билади: Президент келгуси сафар албатта, ҳар бир масала бўйича аниқ натижани сўрайди.

Биз мамлакатимиз тараққиётининг бугунги янги босқичида олдимизда турган долзарб вазифаларни тезкор ҳал қилишда вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш, вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича янги тизимни жорий этишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Шу мақсадда махсус қарор ҳам қабул қилдик. Юқорида айтиб ўтилган тоифага мансуб раҳбарларнинг ўринбосарлари ўзларига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдор экани белгилаб қўйилди. Бошқача айтганда, турли бўғиндаги раҳбар ўринбосарлари ўз бошлигининг соясида юрадиган вақт ўтди. Энди улар ҳам аниқ вазифалар учун жавоб беради. **Шахсий масъулият ва жавобгарлик барча бошқарув идоралари ходимлари учун бош мезон бўлади.**

Ҳозирги кунда одамларни қийнаётган муаммоларни жойларда, маҳалланинг ўзида ҳал этишга алоҳида эътибор беряпмиз. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳафтада икки кунни фуқароларни қабул қилишга ажратмоқда. Шунингдек, кунлик қабуллар ўтказиш тизими йўлга қўйилмоқда.

Умуман, **ҳар бир ҳокимнинг кабинетини «Халқ қабулхонаси»га айланиши лозим.** Шунда ҳар қайси раҳбар ҳудуддаги ҳақиқий аҳволдан тўла хабардор бўлади, ишида унум ва самарага эришади.

Албатта, бугунги кунда одамларни қандай масала ва муаммолар ўйлантираётгани, ташвишга солаётганини яқиндан билишда ёрдам берадиган очиқ манбалар, ахборот тармоқлари кўп. Айниқса, телевидение, матбуот, Интернет ҳаёт нафасини, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир соҳанинг «юрак уриши»ни аниқ-равшан ҳис қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шахсан ўзим оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда берилаётган янгиликлар, улар орқали билдирилаётган долзарб фикрлар, жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортаётган воқеа-ходисалар билан имкон қадар бевосита танишиб боришга ҳаракат қиламан.

Бир сўз билан айтганда, замонавий ахборот технологиялари ривожланган бизнинг давримизда реал ҳаётдан бутунлай узилиб қолиш мумкин эмас. Шунга қарамайдан, халқ билан турли кўринишдаги, дейлик, бу режадаги тадбир бўладими ёки маҳалла, туман, қайсидир муассасага қутилмаган ҳолатда кириб бориш орқали бўладими, умуман, бевосита мулоқот ҳамиша керак, деб ҳисоблайман.

Фуқаролар, кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинаётган барча муаммолар эътибор қаратишни талаб этади. Уларни инкор қилиш мумкин ҳам эмас. Албатта, жамиятдаги қонун бузилиши, адолатсизлик, инсон ҳуқуқларига беписанд муносабат, коррупция билан боғлиқ ҳолатларга бепарво қараб бўлмайди. Тизимли тус олган ёки жузъий муаммо бўладими, уларнинг барчасига дарҳол муносабат билдириб, тагига етиш ва ҳал этиш зарур.

Масалан, кейинги йилларда туб ислохотлар даврига қадам қўйган мамлакатимизда тараққиёт кушандаси бўлган иллат – коррупцияга қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2020 йилда турли даражадаги ман-

сабдорлар томонидан содир этилган жиноятлар учун 1 723 шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Улар томонидан етказилган зарар 500 миллиард сўмни ташкил этган. 2021 йилнинг беш ойида эса 1 696 нафар мансабдорга нисбатан жиноий иш очилган. Етказилган зарар 450 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу моддий зарарлар айбдорлардан ундириб олинади. **Коррупция балосини жамиятимиз ҳаётидан йўқ қилишга қаратилган сиёсат келгусида ҳам қатъий давом эттирилади.**

Савол. Юртимизда аҳоли учун энг долзарб ва ўткир ҳаётий масала бўлган замонавий тураржойлар, жумладан, арзон уй-жойлар қуришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларнинг қўлами истикболда қандай бўлади?

Жавоб. Мамлакатимизда кейинги йилларда замонавий уй-жойлар қуриш бўйича янги давр бошланди, деб бемалол айтиш мумкин. Бунинг тасдиғини сўнгги тўрт йилда аввалги йилларга нисбатан 4-5 баробар кўп уй-жойлар барпо этилгани, бу йилнинг ўзида 54 минг оилани янги уй-жойлар билан таъминлаш бўйича кенг қўламдаги қурилиш ишлари олиб борилаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад – халқимизни рози қилиш йўлидаги улкан вазифалар, ислохотларимиз, қолаверса, бугунги ҳаётнинг ўзи замонавий уй-жойлар қуриш суръати ва сифатини янада оширишни талаб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз илгари уй-жой қурилишига замон талабларидан келиб чиқиб, бундай кенг ёндашмаганмиз ва ҳозиргидек кенг қўламдаги қурилиш ишларини амалга оширмаганмиз.

Биз бу йўлда дастлабки қадамларни қўйиб, катта тажриба орттирмакдамиз. Барча ҳудудларимизда аҳоли учун қулай ва шинам, барча замонавий шароитларга эга бўлган уй-жойлар барпо этилмоқда. Ипотека бозори ривожланмоқда. Ҳаётимизга «арзон уй-жойлар», «ақлли уй», «ақлли шаҳар», «рақамли хизматлар» деган янги тушунча ва кўникмалар кириб келмоқда.

Келгусида уй-жой фондини шундай даражага олиб чиқишимиз керакки, аҳолининг барча қатламлари уй-жой сотиб олиш ва бу борада танлаш имконига эга бўлиши лозим.

Албатта, бу борада турли муаммолар ҳам мавжуд ва биз уларни жойлардаги маҳаллий бошқарув органлари билан биргаликда ҳал этяпмиз.

Мисол учун, кўп қаватли уйлар оралиғидаги бўш жойларда қурилишлар қилиш, мораторий эълон қилинганга қарамайдан, дарахтларни кесиш, яшил ҳудудларни камайитириш ҳолатлари кўпчиликни ранжитмоқда. Баъзи раҳбарларнинг бепарволиги ёки манфаатпарастлиги туфайли тураржой мавзелаарида одамлар сайр қиладиган, спорт билан шўғулландиган, фарзандлари билан бирга тоза ҳавода дам оладиган очиқ жойнинг ўзи қолмаяпти.

Албатта, биз бундай ҳолатларга нисбатан қатъий чоралар кўрмасдан туролмаймиз. Шунинг учун ҳам Тошкентда ва бошқа йирик шаҳарларда янги қурилишларни шаҳар ташқаридаги ҳудудларда амалга ошириш чоралари белгиланмоқда. Тураржой мавзелари ичида коммунал инфра-тузилмалар – газ, электр энергияси, ичимлик суви ва канализация тармоқларини модернизация қилмасдан, янги бинолар қуриш амалиётига барҳам берилди.

Савол. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, билим ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Юртимизда 2021 йил-

нинг «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили», деб эълон қилингани бунинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш жараёнида ёшларнинг ўрни ва асосий вазифалари нималардан иборат, деб биласиз?

Жавоб. Ёшлар – халқимизнинг асосий таянчи ва суянчи. Кенг қўламли ислохотларимизни самарали амалга оширишда улар ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Айнан замонавий билим олган, илғор касб-хунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутadi.

Маълумки, ёшлар янгича фикрлашга, янги-янги ғояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва но-стандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакиллари-нинг билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шароитларни яратишга устувор аҳамият бермоқдамиз.

Имом Бухорий бобомиз тўплаган муборак ҳадислардан бирида: «Ёшлиқда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидир», деб айтилади.

Буюк алломаларимиз ана шундай ҳикматларга амал қилиб, илм-фан соҳасида буюк кашфиётларни амалга оширганлари ва умумбашарий тафаккур ривожига беқиёс ҳисса қўшганлари тарихдан яхши маълум.

Ана шундай қутлуғ анъаналарни давом эттириб, юртимизда янги Хоразмийлар, Фарғонийлар, Берунийлар, Ибн синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоийларни тарбиялаб етказиш – нафақат вазифамиз, балки тарих ва келажақ олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Биз бу йўлда катта ишларни бошладик. Мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатдош кадрлар тайёрлаш мақсадида олийгоҳлар сони 141 тага етказилди, 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилди. Ҳолбуки, 2016 йилда республикамиздаги олийгоҳларнинг сони 77 та эди. Қисқа муддатда бу борада қарийб икки баробар ўсишга эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, ёшларимиз, бутун жамиятимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, замонавий билим, касб-хунарларга янада яқинлаштириш йўлидаги ҳаракатларимиз натижасидир.

Кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 минг нафар ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу – умумий қамров 28 фоизга етди, деганидир. Ўзингиз киёслаб кўринг, 4 йил аввал бу рақам атиги 9 фоизни ташкил этарди. Бу борада давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилгани, ўтган йилги тажрибамизни янги босқичга кўтариб, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизга бу йил олийгоҳларга кириш учун алоҳида грантлар ажратилгани ёшларимиз келажагини таъминлашга қаратилган амалий эътиборимиз намунасидир.

Биз 2030 йилга қадар мактаб, лицей ва коллеж битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказишни режа қилганмиз ва бунга, албатта, эришамиз.

Бу йил Тошкент шаҳрида энг юксак халқаро талабаларга жавоб берадиган **«Янги Ўзбекистон» университети** ташкил этилди. Ушбу университет мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари учун намуна бўлади. Энг билимли ва истеъдодли ёшларимиз шу ерда ўқийди.

Биз узлуқсиз миллий таълим-тарбия тизимининг барча босқичларини

уйғун ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Охириги тўрт йилда **болаларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси илгариги 27,7 фоиздан 2 баробар ортиб, 60 фоизга етгани, боғчалар сони эса 3 марта кўпайиб, 14 мингдан ошгани ана шундай ислохотларимиз натижасидир.**

Ҳозирги вақтда юртимизда **«Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади»** деган ғоя асосида мактаб таълими тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида ва ҳудудларимизда Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар сони кўпайиб бормоқда.

«Беш муҳим ташаббус» дастури, «Баркамол авлод» марказлари доирасида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун бу йилнинг ўзида 36 мингга қўшимча тўғарак ташкил этилиб, 874 мингга яқин бола уларга жалб этилди. Шунингдек, таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига қарийб 100 мингга санъат ва спорт инвентарлари, компьютерлар, 600 мингга яқин китоб етказиб берилди.

Айниқса, навқирон ўғил-қизларимизнинг тадбиркорлик соҳасидаги ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш, уларни иш ва даромад манбаи билан таъминлашга давлат миқёсида катта аҳамият берилмоқда. Ана шундай эътибор туфайли сўнгги тўрт йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, 500 мингдан ошгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу соҳа ривожига муҳим роль ўйнамоқда. Бу йилнинг ўзида 92 мингдан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилгани бундай ёшларимиз сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Маҳаллаларда ташкил этилаётган касб-хунарларга ўқитиш курсларида минглаб ўғил-қизларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларни эгалламоқда.

Бу йилдан бошлаб, ҳар бир туманинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, қишлоқларда ёшларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратиш бошланди. Натижада қишлоқда яшаётган 230 мингдан ортиқ ёшга 61 минг гектар ер майдони ажратиб берилди. Шунингдек, ғалладан бўшаган ерлардан яна 75 минг гектари 170 минг нафар ёшларга такрорий экинлар экиш учун ажратилди.

Ёшлар ўртасида камбағалликни камайитириш, уларни ўзини ўзи банд қилишга рағбатлантиришда «Ёшлар дафтари», ёшлар дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишларимиз муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу йилнинг 8 ойи мобайнида «Ёшлар дафтари»га қиритилган 430 минг нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, «Темир дафтар»даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт пуллари тўлаб берилди.

Бу йилдан бошлаб иш берувчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-ҳодимлари учун ҳисобланган ижтимоий солиқ миқдорини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий қилинди. Натижада жорий йилнинг иккинчи ярмида 170 миллиард сўм, келгуси йилда эса 500 миллиард сўм маблағ 240 минг нафар ёшга қабул қилган тадбиркорлар ихтиёрида қолади.

Талаба ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган янги тизим асосида ётоқхона билан таъминланмаган 62 минг нафар ўғил-қизимизга ойлик ижара тўловининг 50 фоизи бюджетдан тўлаб берилди.

Албатта, бу борадаги ишларимиз нафақат изчил давом эттирилмоқда, балки янада юқори босқичга кўтарилмақда. Шу мақсадда 2021 йил 13 июль



да қабул қилинган «**Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги фармон бу фикрни тасдиқлайди.

Мазкур ҳужжатда мамлакатимиз ёшлари учун қўшимча 30 дан ортиқ янги имтиёз ва имкониятлар яратиш кўзда тутилган. Ана шундай имкониятлардан фақат биттаси ҳақида фикр юритмоқчиман. «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг олийгоҳларда таълим олаётган фарзандларининг 2021/2022 ўқув йилидаги контракт пули биринчи ўқув йили учун Давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилади. Бундай имкониятдан юртимиз бўйича 4 мингдан зиёд оила фарзандлари фойдаланади. Бунинг учун бюджетдан 29,2 миллиард сўм ажратилади.

Юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши, иш жойи ва уйига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрин топиши, «Меҳрибонлик уйлари», махсус мактаб-интернатлар ва «Болалар шаҳарчаси»нинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилмоқда.

Айниқса, «Меҳрибонлик уйлари»даги болаларни оилага яқин муҳида тарбиялаш, билимли, касб-хунарли ва маънавиятли, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказиш – ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, «Меҳрибонлик уйлари» ва махсус мактаб-интернатларда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш бўйича янги тизимни жорий этмоқдамиз.

Ана шундай ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш бўйича янги тизим – **«Меҳр дафтари»** жорий этилмоқда. Шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби белгиланди. Унга кўра, ўзига бириктирилган уй-жойга эга бўлмаган ва тураржойга муҳтож сифатида ҳисобда турган ана шундай болаларга улар 18 ёшга тўлган йили умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолатларда эса 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади.

Ўйлайманки, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган бундай ислохотларимиз **буюк Алишер Навоий бобомизнинг битта кўнгли ўқиск одамни хурсанд қилиш – Каъбани обод этиш билан баробар**, деган теран маъноли сўзларига, меҳр-оқибат, саховат ва олижаноблик каби фазилатларни доимо қадрлаб, улуғлаб яшайдиган халқимизнинг орзу-интилишларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Мен юртимизнинг қайси ҳудуди, шаҳар ва қишлоғида бўлмайин, албатта, у ердаги ёшлар билан учрашаман. Оқич ва самимий суҳбатларда уларнинг соғлиғи, ўқиши, орзу-интилишлари, қишлоғи ёки маҳалласидаги шарт-шароитлар билан қизиқаман.

Биласизми, дунёдаги давлатлар, халқларнинг ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезонлар, параметрлар кўп. Лекин мен учун шу борадаги энг муҳим мезон – бу ёшларимизнинг бахти, камолидир.

Янги Ўзбекистоннинг нафаси, суръати ва шиддатини аввало азиз ўғил-қизларимизнинг азму шижоати, дадил фикр ва таклифларида, эришаётган дастлабки ютуқларида кўраман.

Яқинда **30 июнь – Ёшлар кунид**а навқирон авлодимиз вакиллари билан яна бир бор учрашиб, уларнинг турли соҳалардаги изланишларини кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Ишончим комилки, фарзандлари доимо изланиш ва интилишда бўлган,

юксак марраларни кўзлаб, олдинга қараб интиладиган халқ ва давлат ўз олдига қўйган мақсадларга, албатта, етади. Чунки бундай ҳаракатлар эртага қудратли тўлқинга айланиб, ҳаётимизни бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхши ва обод қилиш, онгу тафаккуримизни юксалтиришга олиб келади.

Савол. Мамлакатимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқлар ҳақида сўз борганда, хотин-қизларнинг ўқиши, билим олиши, меҳнат қилиши, уларнинг соғлиғини сақлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенглик бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар биринчи навбатда тилга олинмоқда. Бунинг сабаби нимада?

Жавоб. Бунинг сабаби оддий, албатта. Чунки дунёдаги ҳар қандай халқ, давлат ва жамиятнинг тараққиёт ва маданият даражаси, аввало, уларнинг хотин-қизларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Аёл бор экан, оила деган муқаддас қўрғон, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор. Аёлларимиз бахтли бўлса, албатта, оиламиз, жамиятимиз ҳам бахтли бўлади.

Хотин-қизлар барча соҳа ва тармоқларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, юксак ҳурмат-эҳтиромда яшаган мамлакатда, албатта, тинчлик ва ҳамжиҳатлик, ўсиш ва юксалиш бўлади.

Шунинг учун ҳам биз учун буюк Она тимсоли бўлган аёл зотини халқимиз азал-азалдан улуғлаб, эъзозлайди.

Одамзодга асрлар давомида меҳр туйғусини сингдириб, уни гўзаллик, вафо ва садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келаётган азиз ва мукаррам зот ҳам оналаримиздир.

Бу ҳаётда нимага, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси мунис ва меҳрибон оналаримиз туфайлидир. Шунинг учун биз хотин-қизларимиз олдида доимо қарздорлик ҳисси билан яшаймиз. Уларга ҳар қанча меҳр ва эътибор кўрсатсак, арзийди.

Юртимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган муҳтарама оналар, опа-сингилларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида давлат сиёсатини олиб боришда биз айнан ана шундай қадриятларга таянамиз.

Кейинги йилларда бу муҳим масаланинг амалий ижросига қаратилган 24 та ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, Президентнинг 6 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 16 та қарори қабул қилингани опа-сингилларимизга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир.

Ҳурматли аёлларимиз ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида фаол иштирок этиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга беқиёс ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг орасида депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, академиклар, профессорлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Халқ ўқитувчилари, Халқ шоирлари, Халқ артистлари борлигини барчамиз яхши биламиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда Гендер тенгликни таъминлаш бўйича комиссия, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши каби тузилмалар опа-сингилларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларни иш ўринлари, уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада аёлларни касб-хунарларга қайта ўқитиш марказлари жорий этилгани, арзон уй-жойлар дастури амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар йили оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларнинг уй-жой бўйича бошланғич бадаллари давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмоқда.

Жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, турли соҳаларда ибратли натижаларга эришаётган, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган опа-сингилларимиз 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами, Мустақиллик куни, турли касб байрамлари муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотлари, шунингдек, **«Мўътабар аёл»** кўкрак нишони билан тақдирланмоқда.

Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган қизларнинг сони 367 нафарга етгани ҳам ана шундай ишларимиз қаторига киради.

Суҳбатимиз бошида айтилганидек, «Аёллар дафтари» тизими асосида хотин-қизлар ўртасида камбағаллик ва ишсизликни тугатиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда.

Савол. Юртимизда хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган кекса авлод вакиллари, муҳтарам фахрийларимизга алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Бу борадаги амалий ишларнинг келгуси ривожини ҳақида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик.

Жавоб. Мен ҳар доим бугунги тинч-осойишта, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳақида ўйлаганимда, бундай ёруғ кунларга етиб келишда қанча-қанча авлод вакиллари, ота-боболаримиз тинимсиз меҳнат қилганлари, ўз бошига тушган барча синов ва машаққатларни сабр-матонат билан енгиб ўтганларини чуқур миннатдорлик билан эслайман. Улар ўзлари қийналиб бўлса ҳам бизни шундай тинч ва дориланган кунларга етказганлари – бу ҳеч нарсаси билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган улкан жасорат, фидойилик ва қаҳрамонликдир.

Шунинг учун бундай мард ва олижаноб аждодларимиздан ўтганларининг хотирасини улуғлаб, ҳамиша чуқур ҳурмат-эҳтиром билан ёд этиш, бугун орамизда яшаб келаётган муҳтарам нуронийларимизни ҳар томонлама ардоқлаш – муқаддас бурчимиздир.

Энг муҳими, бундай савобли ишларимиз ёшларимиз учун ҳам тарбия ва ибрат мактабига айланади.

Албатта, сиз, журналистларга яхши маълум – юртимизда кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, уларнинг мазмунли умр кечириши учун зарур шароитларни яратиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Хусусан, пенсия ва нафақаларни расмийлаштириш, уларни ўз вақтида тўлаш, турли ижтимоий хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ қийинчилик ва муаммолар бартараф этилди. Жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган отахон ва онахонларимиз «Нуроний» жамғармаси томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

Кекса авлод вакиллариининг саломатлигини асраш, уларга республикамиздаги турли санатория ва дам олиш уйларида имтиёзли йўлланмалар бериш, байрам кунларида уларни алоҳида қутлаб-табриклаш, доимий иззат-ҳурмат кўрсатиш эзгу анъанага айланиб бормоқда.

Такрор айтаман, ўз вақтида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун бағишлаган бундай табаррук инсонлар олдида биз бир умр қарздормиз. Муҳтарам нуронийларимизнинг ҳаётини янада файзли қилиш, улар ўзларининг бой тажрибаси, фойдали маслаҳатлари билан ижтимоий ҳаётимизда, айниқса, Янги Ўзбекистон ёшларини тарбиялашда янада фаол иштирок этишлари учун қўшимча имкониятлар яратамиз.

Бу масалаларга алоҳида урғу бериб гапираётганим, албатта, бежиз эмас. Биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида халқимизни рози

қилишни ўз олдимизга улуғ мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунини жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳаётида сезиши, ҳис этиши биз учун ғоят муҳимдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уч авлод вакиллари ўртасида самимий учрашувлар ўтказилаётгани, уларда муҳтарам нуронийларимиз ҳам фаол иштирок этиб, ўзларининг меҳнат ва ҳаёт тажрибаси, бугунги тинч ва ёруғ кунларнинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида билдираётган фикрлари ёшларимиз учун чинакам тарбия мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Савол. Энг улуғ ва энг азиз айём – Мустақиллик байрамимиз арафасида газетамиз саҳифаларида турли касб эгалари бўлган юртдошларимизнинг эзгу тилаклари бериб борилмоқда. Сиз Ватанимиз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб мамлакатимизда янги давлат ва жамият қуриш жараёнларида фаол иштирок этиб келган атоқли раҳбар, бугунги кунда эса Янги Ўзбекистонни барпо этиш концепциясининг ташаббускори ва уни амалга ошириш йўлидан бутун халқимизни дадил олдинга бошлаб бораётган миллий етакчи, Президент сифатида ушбу байрам муносабати билан халқимизга қандай тилаклар билдирган бўлардингиз?

Жавоб. Албатта, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан биз барча соҳа ва тармоқлар бўйича тараққиётимиз якунларини чуқур сарҳисоб қилиб, келгуси режаларимизни янада аниқ белгилаб оламиз. Айниқса, юртимиздаги ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг янада эркин ва фаровон яшашига эришиш биз учун бундан буён ҳам бош мақсад бўлиб қолади.

Мен учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидаги фаолиятимнинг маъно-мазмунини ташкил этадиган энг улуғ мақсад – халқимизнинг тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида сидқидилдан фидокорона хизмат қилишдан иборатдир.

Барчамизга ризқ-насиба берган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган эл-юртимиз олдида биз ҳамisha қарздормиз. Азиз ва ардоқли халқимизнинг розилигига эришиш – биз учун энг буюк саодатдир. Чунки халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам рози бўлади.

Неча-неча аждодларимиз орзу-ният қилиб ўтган мана шундай буюк ишларни амалга ошириш бугун бизга насиб этган экан, бу ўзлигини англаган ҳар бир ватандошимиз учун чинакам бахт ва шараф эмасми?

Ишончим комил, биз жонажон Ватанимизга бўлган чексиз меҳримиз ва садоқатимизни муқаддас байроқ қилиб, бор билим ва тажрибамиз, ақл-заковатимизни ишга солиб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган эзгу мақсадларимизга, албатта, етамиз.

Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади.

Мен бунга нафақат ишонаман, балки шу йўлда бор билим ва тажрибамни, куч-ғайратимни сафарбар этишга ҳамиша тайёрман. Барча юртдошларимизни ана шундай улуғ сафда – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қаторида бўлишга даъват этаман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, кўп миллатли халқимизни яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Ҳар бир хонадон, ҳар бир ватандошимизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахту саодат доимо ёр бўлишини тилайман.

(ЎЗА)

"MEN G'OLIB!"

САРА ЙИГИТЛАР МАЙДОНДА

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ҚЎШИНЛАРИДА «МЕН
ҒОЛИБ!» ШИОРИ ОСТИДА
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АРМИЯ
ЎЙИНЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ
МУСОБАҚАЛАРИГА СТАРТ
БЕРИЛДИ. МУСОБАҚАЛАРНИНГ
ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ
МАРОСИМИ ТОШКЕНТ ҲАРБИЙ
ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИНИНГ
«ЧИРЧИҚ» ПОЛИГОНИДА
БЎЛИБ ЎТДИ.



Унда Мудофаа вазирлиги ва ҳарбий округлар бошқарув аппарати масъул офицерлари, мутахассис ҳарбий хизматчилар, шунингдек, Қуролли Кучлар фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар бугунги кунда миллий армиямиз ҳар жиҳатдан кучга тўлиб бораётганини алоҳида эътироф этиб, мусобақа иштирокчиларига омад тилашди.


Тантанали расмий очилиш маросимидан сўнг, мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлар учун концерт дастури намоиш этилди.

Унда Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий оркестр жамоаси ва Тошкент ҳарбий округи Маънавият ва маърифат маркази хонандлари ўзларининг куй ва қўшиқлари билан барчага кўтаринки кайфият улашди.

Сўнгра барча иштирокчи жамоалар ўз йўналишлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтадиган нуқталарга йўл олишди. Жамоалар дастлаб мусобақа доирасидаги **«Танк ва жанговар машиналар биатлони»**, **«Ишончли қабул»** ва **«Қўшин разведкаси аълочилиси»** каби йўналишлар бўйича баҳсларга киришди.

«Танк ва жанговар машиналар биатлони»да ҳар бир жамоа белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланиб, олдинда турган бир-биридан мураккаб тўсиқларни маҳорат билан енгиб ўтишлари керак. Бунда экипаж аъзолари бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсагина, кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

«Тинчлик жангчиси» мусобақаси ҳам мурасасиз бўлиши аниқ. Мазкур кўрик-танлов иштирокчилари бешта шарт бўйича ўзаро беллашади. Ҳар бир жамоа таркиби тўрт нафар ҳарбий хизматчидан иборат бўлиб, уларнинг бир нафари аёл киши бўлиши шарт. Иштирокчилар махсус тўсиқли йўлакдан ўтиш орқали жисмоний имкониятларини амалда намоён этишади. Агарда ҳаракат давомида бирор бир вазифа хато ёки бажарилмай қолса, шу қатнашчига нисбатан жарима бали қўлланилади.



САРАДЖАНМОҚДА



«Ишончли қабул» ва **«Қўшин разведкаси аълочиси»** мусобақаларида жамоалар бир-бирдан мураккаб вазифаларни адо этади. «Ишончли қабул» кўрик-танловида йигитлар дастлаб турникда тортилиш, қисқа ва узок масофага югуриш, касбий тайёргарлик бўйича жамланган 100 та тест саволига жавоб беришади. Натижалар мутахассислардан тузилган ҳакамлар ҳайъати томонидан қайд этиб борилади. Якунда барча баллар жамланиб, умумий натижа эълон қилинади.

«Қўшин разведкаси аълочиси» йўналиши бўйича ҳарбий хизматчилар белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланиб, вазифаларни берилган координаталар орқали олиб боради. Айтиш керакки, мазкур йўналиш иштирокчилари ностандарт вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш, ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, жамоавий ишлаш каби муҳим принципларга амал қилишлари шарт.

Мазкур мусобақалардан кўзланган асосий мақсад ҳам иштирокчиларнинг ўзига бўлган ишончни ошириш, жамоавий бирдамликни мустаҳкамлаш ва энг муҳими, кучлилар ичидан кучлисини аниқлашдан иборат.

Газетамизнинг кейинги сонларида жамоалар эришган натижалар ва мусобақа тафсилотлари ҳақида батафсил маълумот берамиз.

Лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Vatanparvar»



Ахборот РЎЗИБОВ



ХАЛҚ ВА АРМИЯ ЯКДИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз мустақиллиги – халқимизнинг энг катта бойлиги. Бу улуғ неъматнинг барқарорлиги ва бардавомлиги юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг фаоллиги ва фидойилигига боғлиқ.

Бу борада Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳам самарали фаолият кўрсатмоқдаки, шу орқали халқ ва миллий армия ўртасидаги узвий бирликни, ҳамфикрликни ва якдилликни мустаҳкамламоқда, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида кенг жамоатчилик фикрини шакллантириб, Ватанимиз мудофаа қудратини оширишнинг долзарб масалаларини атрофлича ўрганиш, шу асосда тегишли таклиф, тавсиялар ишлаб чиқиш ва мана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, халқ ва армия якдиллигини таъминлашдек муҳим вазифаларни бажармоқда.

Кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар натижасида Қуролли Кучлар устидан самарали фуқаролик назорати механизми мукамал тарзда шаклланиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу эса Жамоатчилик кенгашининг мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган жўшқин фаолияти мисолида янада ёрқинроқ акс этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини тузиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Жамоатчилик

зирлиги ҳузурида тузилган Жамоатчилик кенгашининг халқ ва армия бирдамлигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаб, ушбу кенгашнинг минтақавий бўлинмаларини тузиш орқали унинг имкониятларини кенгайтириш зарурлигини айтиб ўтди.

Шу боис 2017 йилнинг 23 август кунин Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Шунингдек, тасдиқланган низом асосида кенгаш аъзоларининг вазифалари ва мажбуриятлари белгилаб берилди.

Шундай қилиб кенгаш мақсад ва вазифаларига кўра, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатида дахлдор энг долзарб масалаларга оид жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришдан бошлаб, резервга бўшатишдан фуқароларнинг ижтимоий ва профессионал мослашувигача бўлган масалаларни ҳал этиш, шунга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши лозим деб белгиланди.

Хўш, ўтган йиллар мобайнида Жамоатчилик кенгаши аъзолари мазкур муҳим вазифаларни бажаришни қай даражада уддалади? Таъкидлаш жоизки, Жамоатчилик кенгаши ташкил этилган кундан бошлаб, Мудофаа вазирлиги фаолиятини шаффофлигини таъминлашга, ҳарбий хизматчиларга муносиб хизмат

ва маиший шароитлар яратишга, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни сақлашга, ҳарбий хизмат мавқеини оширишга, чақирувга қадар ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳарбий қисмлардаги шарт-шароитлар, ҳарбийларимизнинг ҳаёти ва хизмат фаолияти жараёнлари жамоатчилигимизнинг кўз ўнгиди, худди кўзгудагидек намоён бўлишида, шу билан бирга, у ердаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда, аynи чоғда ёшларимизни ҳарбий хизматга тайёрлаш, юртдошларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам Жамоатчилик кенгаши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мен бугун амалга оширадиган ишларимиз ҳам кўламини, ҳам

мазмун-моҳияти жиҳатидан ўзига хос аҳамиятга эга эканига эътибор қаратмоқчиман. Чунки бу борадаги режа ва дастурларимиз аниқ манзилли, тезкор, ихчам ҳамда замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда ўтказиладиган сермазмун, манфаатли ва қизиқарли тадбирларни ўзида мужассам этади. Мақсадимиз, авваламбор, тинчликни асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш, тинчликни тараннум этиш, десам, муболаға бўлмайди.

Жамоатчилик кенгаши фаолияти доирасида ёшлар билан ўтказиладиган тадбирларни уларнинг орзу-истаклари, эзгу интилишларидан келиб чиқиб ташкиллаштиради. Бу тадбирлар доирасида театр ва кино усталари, хонанда ва санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, олимлар ва маънавий тарғиботчилари билан учрашув ҳамда мулоқотлар тизимли ва мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда, Жамоатчилик кенгаши ҳар доим ҳарбийлар ва ёшлар билан, кенг жамоатчилик билан бирга. Биргина 2021 йилнинг ўтган даври мобайнида Жамоатчилик кенгаши ва минтақавий бўлинма аъзолари кенгаш низомида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан ҳарбий қисм, муассасалар, олий ҳарбий таълим муассасалари ва маҳаллаларда ўтказилган **400 дан** ортиқ маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этдилар.

Ҳа, кенгаш аъзолари ҳар доим фаол. Жумладан, Жамоатчилик кенгаши аъзоси – бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ўринбосари Баходир Умурзаковнинг бевосита иштирокида Мудофаа вазирлиги билан тузилган қўшма қарорга асосан ҳозирги кунда ҳарбий хизматчиларнинг **400 дан** ортиқ оила аъзолари касб-ҳунарга ўргатувчи мономарказларда бепул таҳсил олдилар.

Жамоатчилик кенгаши аъзоси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси Светлана Инамованинг саъй-ҳаракатлари билан ҳарбий хизматчиларнинг олис гарнизонларда истиқомат қилаётган **1 000 га** яқин оила аъзолари бепул тиббий кўрикдан ўтказилди ва уларга бепул дори-дармонлар тарқатилди. Тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида улар билан давра суҳбатлари ўтказилди. Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари раисининг биринчи ўринбосари Нодир Холбутаевнинг ташаббуси билан ҳарбий қисм ва муассасалар кутубхоналарига, Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳига уюшма ижод фонди томонидан **3 000 дан** ортиқ бадиий адабиёт беғараз ёрдам сифатида тақдим этилди. Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Республика Маънавият ва маърифат маркази



раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов томонидан Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган турли танлов ва мусобақалар иштирокчиларига **500 дан** ортиқ бадиий адабиёт совға қилинди.

Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маъруфованинг ташаббуси билан Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган «**Намунали ҳарбийлар оиласи**» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этган тўққиз нафар оилага қимматбаҳо совғалар ажратилди. Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Қасба уюшмалари федерацияси раиси Қудратулло Рафиков муддатли ҳарбий хизматга кетаётган йигитларга уюшма томонидан совғалар улашишда ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини давлат байрамлари арафасида моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларида узоқ йиллар давомида бош бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Жамоатчилик кенгашининг **Жиззах, Фарғона, Сурхондарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси** минтақавий бўлинмалари ўз фаолиятларини ҳарбий қисм ва муассасалар билан ҳамкорликни фаол йўлга қўйганликларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Республика «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда кенгашнинг Навоий, Сирдарё, Тошкент вилояти минтақавий бўлинмалари томонидан уюшмаган ёшлар ва фажрийларнинг Тошкент шаҳрида жойлашган «**Ғалаба боғи**» ёдгорлик мажмуасига ташрифлари уюштирилди.

Бир сўз билан айтганда, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ўз зиммасидаги вазифаларни шараф билан адо этмоқда. Албатта, эзгулик яна бир эзгуликка йўл очади. Бу мақолни ҳаётий шиорга айлантирган, елкасидаги масъулият залворини доим хис қилиб турадиган Кенгаш аъзолари бундан буён ҳам самарали фаолият олиб боришларига ишончимиз комил. Бу ишонч Жамоатчилик кенгашининг истиқболи нурафшон эканлигидан далолат беради.

Содиқжон ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
сенатор, Мудофаа вазирлиги
ҳузуридаги Жамоатчилик
кенгаши раиси



кенгаши ташкил этилди. Албатта, бу ташаббус бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, бу борада жамоат ташкилотларининг роли ва мавқеини юксалтириш йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлди. Зеро, жамоат ташкилотларининг, жамоатчилик назоратининг фаолият кўламини кенгайтиришнинг бундай ноёб амалиёти, фикримча, хориж тажрибасида ҳам ҳали мавжуд эмас.

Кейинчалик Жамоатчилик кенгашининг юқорида кўрсатилган масалалар бўйича эришган ютуқларини эътиборга олган ҳолда унинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва имкониятларини кенгайтиришга объектив зарурат туғилди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда Мудофаа ва-

ISTIQLOL INSHOOTLARI

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Навоий вилоятининг Зарафшон ва Учқудуқ туманида жойлашган Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларнинг замонавий тарғибот воситалари асосида жиҳозланган, янгидан қуриб битказилган дала-ўқув майдони фойдаланишга топширилди.



ҚУВОНЧ УСТИГА ШОДИЁНА



Тантанали очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, вилоят ҳокимлиги ва ҳамкорликдаги ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Сўзга чиққанлар Қуролли Кучлар инфратузилмасини янада такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларга берилаётган имтиёз ва имкониятларни таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, жанговар вазифаларни муваффақиятли бажариш, ҳар томонлама тобланиш учун дала-ўқув майдонларида олиб бориладиган ўқув машғулотларининг ўрни бекиёс. Бу борада панорамали ўқ отиш синфи ва тактик шаҳарча, амалий ўқ отиш майдончаси, ошхона, аскарлар ётоқхонаси каби янги объектлар Ватан ҳимоячиларига асқатиши шубҳасиз.

Тадбир сўнгида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликдан юқори натижаларга эришган 50 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчига «кичик сержант» ҳарбий унвони берилди, 40 нафарга яқини турли кўринишда рағбатлантирилди.



Шунингдек, Самарқанд вилояти Қўшрабод туманида жойлашган Мудофаа вазирлиги таъсирлигидаги ҳарбий қисмларнинг бирида ҳам замонавий тарғибот воситалари билан жиҳозланган, янгидан қуриб битказилган бинолар фойдаланишга топширилди. Унда иштирок этган Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондони полковник Журъат Якубов сўнгги йилларда ҳарбий хизматчиларга берилаётган улкан имтиёз ва имкониятлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Йиғилганлар «Буюк соҳибқирон Амир Темури» ва «Турон қоплони Жалолиддин Мангуберди» синфларига ташриф буюришди. Шу куни ҳарбий қисмда маънавият ва маърифат хонаси ҳамда кутубхона фойдаланишга топширилди.

Кун кеч бўлишига қарамасдан меҳмонлар навбатдаги тантанали тадбир – дала-ўқув майдонининг очилиш маросимида ҳам қатнашдилар. У ердаги тактик шаҳарча, амалий ўқ отиш майдончаси, ошхона, аскарлар ётоқхонаси билан яқиндан танишдилар. Шодиёна сўнгида бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар навбатдаги ҳарбий унвон, ташаккурнома ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати

KELING, KITOB O'QIYMIZ!

Ўлмас Умарбековнинг

Адибимиз Ўлмас Умарбековни замондошлари гўзал, олижаноб инсон сифатида хотирлайдишлар. Қоғоздаги сўзлар ёзувчи, шоирларнинг қалб кечинмалари, дарду изтироблари, муҳаббатлари, орзу-истакларини англамади, дейдишлар. Ёзувчимиз энг сермахсул ижодкорлардан эди. Бизга бир қатор ҳикоялар, қиссалар, романлар қолди.



Мен адибнинг кўпгина асарларини севиб ўқиганман. Аммо айрим ҳикояларини ўқимаган эканман. Яқинда «Қиёмат қарз» ҳикоялар тўпламини ўқиб чиқдим. Бошқа асарлари хаёлимдан ўтди. Қандай ташналик билан ўқирдик... Ҳамма асарлари ўзига хос, ҳар бирининг ўз ўқувчиси бор. Шундай бўлса-да, мен оддий бир ўқувчи сифатида «Қиёмат қарз» ҳикоясини адиб асарларининг гўлтожи деб биламан.

Ижтимоий тармоқларни кўп кузатаман. Янгиликлар, халқаро олам, турфа муаммолар, дўстлар қувончи... ҳуллас, ўзига тортадиган оҳанрабои бисёр. Ана шу оламда миллат шаънига айтилаётган шундай маломатлар борки, қалбингда оғриқ уйғотади, ўйга чўмиб кетасан, баъзан иккиланасан. Энг ачинарлиси, бегоналар эмас, юртошларимизнинг ўзи ўз миллатига мағзава ағдаряпти, ерга уряпти... Бундай тоифа миллат қиёфасини белгиламайди, деб ўзингни овутомқчи бўласан, бироқ уларни ҳам эшитадиганлар бор, ҳулоса чиқарадиганлар бор. Булар мени хавотирга солади.

Анчадан бери китоб ўқишни тарғиб қиляпмиз. Энг яхши асарларни, дунёда энг кўп ўқиладиган дурдона асарларни тавсия қиляпмиз. Акс садоси кутганимдек эмас... Азиз ўқувчи, сизга тавсия қилганимиз бу китоблар сизнинг энг яхши ва энг кучли қуролингиз бўла олади. Айнан китоблар сизни яхши-ёмонни фарқлашга ўргатади. Албатта, ижтимоий тармоқлар қизиқарли, буни инкор этиб бўлмайди. Аммо у тўйғуларни ўтмаслаштиради, энг гўзал ва соф ҳисларни жўнлаштиради. Китоб эса аксинча бу тўйғуларни юксалтиради, сайқаллайди.

Мен адабиётшунос эмасман. Китобсеварман, оддий ўқувчи-

ман. Ўлмас Умарбеков ҳикояларини таҳлил қилиш фикридан йироқман. Чунки унинг асарлари аллақачон эътироф топиб бўлган. Янги гап айтишим душвор. Шундай бўлса-да, бир нарсани такрор-такрор айтгим келади: унинг асарларида миллатнинг қалби, энг гўзал, бебаҳо, ноёб фазилатлари куйланган. Энг юксак пардаларда куйлангани эса «Қиёмат қарз»дир.

Аслида бу жуда оддий ҳикоя. Ана шу оддийлигида муаззамлик, улўғлик бор.

Ўқиймиз: «...отнинг жиловини тортди. Қулоқларини осилтириб тин олаётган тўрик, худди шуни кутиб тургандек пастга, дарё томонга йўрғалади. Бу жойларни у эгаси каби яхши билади. Улғайиб, устига эгар урилибдики, ҳар якшанба кунни бутун Ҳисорни ошиб, шу ерга келади. Тор тахта кўприкнинг ёнига омонатгина қурилган чойхона этагида тўхтади. Дарёнинг сел ювиб, бесўнақай кенгайган шу ери уруш йилларидан бери – кеч куздан эрта баҳоргача – бозор. Чор атрофдан йиғилган йигитлар фронтга шу ердан жўнашган. Устунлари чириган чойхона ҳам ўша серташвиш йиллардан нишона...»

Ўлмас Умарбеков асарларида уруш мавзуси салмоқли ўрин тутди. Ўқувчиларимиз юқорида келтирилган парчани диққат билан ўқишларини истар эдим. Унда «тор тахта кўприк» тилга олинади. Бу кўприкда гап кўп.

Яна **Ўқиймиз:** «Сарсонбой ота яна деразгага тикилди. Кўприк ўтган-кетганнинг кўплигидан худди туядек лапангларди. Ўшанда ҳам шундай лапанглаб турган эди.

...Ўғлини кузатганда ҳам, Ҳайдаралини кузатганда ҳам...

Лекин унда одамлар бир томонга қараб юрган эдилар. Ўшалардан кўпи шу кўприкдан қайтиб ўтмади, бири ўлди, бири бедарак кетди. Ўғлидан ярим йил ҳеч қандай хабар бўлмай, бирдан қорахат келди. Ўшанда у сурув билан Узумлида эди. Қўйларни сойнинг нариги соҳилидаги ўтлари эндигона ниш урган ялангликка ҳайдаб, ўзи нураб-нураб деворларигина қолган Тошқалъа тагида ўтирарди.

...Сарсонбой ота кичкина кўк қоғоз парчасини кўриб, ҳаммасини тушунди. Мадумар ака ҳам ўғлидан шундай хат олган эди... Сарсонбой ота ўқимади, қўл-оёғи муз бўлиб, турган жойида қотиб қолди. Худо унга бир фарзанд берган эди, шуни ҳам кўп кўрди».

Бу шундай қайғули бир ҳикоя. Бағри бутун инсонни учратмайсиз. Фарзанд доғидан қадди дол бўлган,

«Қиёмат қарз»и

урушда бедарак кетган жангчининг омонатини йиллар давомида асраб келаётган иймонида собит бўлган Инсон бор, ҳикояда.

Бу қандай омонат эди? Кимнинг омонати?

Мен тавсия қилаётган асарлар мазмунини баён қилишни истамайман. Буни ўқувчининг ўзига қолдирган маъқул. Асар қаҳрамонларини қисман танитишга ҳаракат қиламан. Сиз Сарсонбой отани танидингиз, ҳозирча, ўқиш асносида эса уни янада яхшироқ билиб оласиз.

Ҳикояда Ҳайдарали образи бор. У Сарсонбой отанинг ўғли Ғофурнинг ўртоғи.

Ўқиймиз: «Ҳайдарали эса отасидан бир ой кейин жўнаганича, бедарак кетди. Ўғлининг ўртоғини ўзи районгача кузатиб борди. Кузатадиган унинг бирон кимсаси ҳам йўқ эди.



...Кўприк устида худди ўғлини кузатаётгандек Ҳайдарали билан хайрлаша туриб, бутун вужудини титроқ босди.

– Омон бўл, бўтам! – деди-ю, ёшланган кўзларини кўрсатмаслик учун хотини нималардир солиб берган тугунни юзига тутиб узатди. – Холанг берди, ол.

– Раҳмат.

– Имкони бўлса, Ғофурнинг мазорини бир зиёрат қилиб ўт. Исталинградда».

Ўй-ўй, бечора ота, о, буюк ота муҳаббати!

Қария уни узоқ йиллар кутди. Ахир унда Ҳайдаралининг омонати бор.

Ўқиймиз: «Наҳотки, ўлган бўлса? – бу даҳшатли фикр чолнинг хаёлига келди-ю, кўрқиб кетди. – Йўқ, шунча ўлим бўлиши мумкин эмас. Бедарак кетганларнинг кўпи келди-ку, ажаб эмас, у ҳам келса. Тўй қилмоқчи эди. Баҳона билан мен ҳам тўй кўриб қолардим. Ўзим қилиб берардим тўйини...»

Мен аслида адибнинг ҳикоялар тўплами ҳақида гапирмоқчи эдим. «Қиёмат қарз» олдида ҳаммасини унутай дебман. Бу шундай кучли ҳикоя! Комил инсонни тарбияламоқчи бўлсангиз уни фарзандларингизга ҳам ўқиб беринг, шунчаки ўқиб берманг, мағзини чақиб, англадинг.

Бу тўплагма адибнинг «Сўнгги сафар» ҳикояси ҳам киритилган. Аллақайси жиҳатлари билан «Қиёмат қарз»га ўхшаб кетади.

Ўқиймиз: «Институтни битирадиган йили Тўқимачилик комбинатига ишга кирди ва шу йили уйланди. Тўй унга қувонч келтирмади. Тўй кунни отаси қазо қилди. Ҳовлида базм. Ўйин-кулги, идиш-товоқнинг тақир-туқури, ичкарида эса аза... Буни тўй тарқаб, келин билан гўшангага кирганда билди. Шу сабаб бўлдики, Низомиддин хотинини хуш кўрмай қолди».

Эркак ва аёл... Бир-бирига интилиб турса-да, ўртада севги-муҳаббат бўлса ҳам, бўлмаса ҳам бир-бирини англаши мушкул, бир-бирига жумбоқлигича қолаверади.

Ўқиймиз: «Ёлғиз қолибгина, унга ачина бошлади. Аввало, уйланмаслиги керак эди. Уйландими, унга яхши қараши керак эди.

Буни у энди, қариганда тушунди. Ундаги хотинига бўлган совуқлик, тўғрироғи, бефарқлик бошқа аёлларга ҳам тарқалди. Шунинг учун у хотинига хиёнат қилгани йўқ. Фақат бир марта бир аёлга нисбатан кўнглида илиқлик пайдо бўлган эди. Буни ҳам у энди, қариганида, ҳаётини бир-бир кўз олди-га келтира бошлаганида англади».

У қандай аёл эди? Уни қаерда кўрди? Ахир, ўрталарида йилларча сўнг уйғониш даражасида ҳеч нарсаси бўлмаган-ку?

Ўқиймиз: «Бу воқеа Беларусияда бўлган эди...

Аёлдаги нимадир, узун, тўпиғига тушиб турган рангсиз кўйлагими, онасиники сингари кўм-кўк кўзларини шовқин-сурон билан дарёдан ўтаётган танклар, жангчиларга катталардек вазмин тикиб. Ўрта бармоғини сўриб турган ориқ болами, унга ёқиб қолган, бир дақиқа бўлса ҳам тинчлик ҳузури-ни бағишлаган эди...

Низомиддин унинг озгин қўлини қўллари орасига олар экан, юрагини нимадир тимдалаб кетди. Вужудини раҳм, миннатдорликдан ҳам юксак бир ҳис, илиқ бир ҳаяжон қоплаб олди...»

Ҳаммаси шу!

Адибнинг қаҳрамонлари олижаноб, мард, бир сўзли ва яна мураккаб тақдирли инсонлар. «Қиёмат қарз» ҳикоялар тўпламини ўқисангиз бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Инобат
ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»



SAYLOV – 2021



24
O'ZBEKISTON
PREZIDENTI
OKTABR 2021-YIL
SAYLOVI

Сайлов жараёни сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур рукн остида берилаётган савол-жавоблар сайлов билан боғлиқ масалаларни осон ва асослантирилган тарзда тушунишингизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ



1. Участка сайлов комиссияси овоз бериш кунда қандай фаолиятни амалга оширади?

Овоз бериш кунин сайлов участкасида соат 8.00 да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигида:

- овоз бериш бошланганлигини эълон қилади;
- сайлов қутиларининг бўшлигини текширади ва уларни бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбалайди, пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади;
- участкадаги рўйхат бўйича сайловчиларнинг сони, олинган сайлов бюллетенлари сони ҳамда муддатидан олдин овоз берганлар ҳақида маълум қилади. Ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади;
- овоз бериш тугалланганлигини эълон қилади.



2. Участка сайлов комиссиясининг овоз бериш тугаганидан кейинги фаолияти нималардан иборат?

Овоз бериш тугагач, участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари овоз бериш тугаганлигини комиссиянинг барча аъзолари, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигида эълон қилади.

Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари комиссия аъзолари билан биргаликда:

- пломбаларнинг рақамларини далолатнома билан солиштиради;
- олдиндан ёзув ашёларини йиғиштириб қўйиб, сайлов бюллетенларини санаб чиқиш учун жой (стол) тайёрлайди;
- фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенларини санаб чиқади ва бекор қилади, бу ҳақда якуний баённомага тегишли ёзув киритилади;

– муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпиқ конвертларни сайлов қутисига ташлайди;

– стационар ва кўчма сайлов қутиларини очади;

– ҳар бир номзод бўйича сайлов бюллетенларини ўқиб эшиттирган ва намойиш этган ҳолда алоҳида-алоҳида боғламларга ажратади;

– ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни санаб чиқади;

– ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенларини аниқлайди ва санаб чиқади, бу ҳақда якуний баённомага тегишли ёзув киритилади;

– якуний баённомага овоз бериш натижалари тўғрисидаги ёзувни киритади.

Участка сайлов комиссияси овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш чоғида келиб тушган шикоятларни (аризаларни) кўриб чиқади. Шундан сўнг участка сайлов комиссияси овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича мажлис ўтказиб, унда овоз бериш якунлари тўғрисида қарор қабул қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ҳамда раис, раис ўринбосари, котиб, сайлов комиссиясининг бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомага киритилади. Шундан сўнг баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

3. Участка сайлов комиссияси баённомасининг нусхасини олиш мумкинми?

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили, кузатувчилар участка сайлов комиссияси баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини олишга ҳақли.

4. Фуқаролар ёки блогерлар участка ёки округ сайлов комиссиясининг овозларни санаб чиқиш натижаларига оид баённомасининг нусхасини олишга ҳақлими?

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ, участка ёки округ сайлов комиссиясининг овозларни санаб чиқиш натижаларига оид баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга осиб қўйилади. Фуқаролар ёки блогерлар осиб

қўйилган баённома билан танишиши, расмга олиши мумкин.

Бунда сайлов комиссиясидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган баённоманинг нусхасини тақдим этишни талаб қилиш назарда тутилмаган.

5. Фуқаролар ёки блогерлар овоз бериш жараёнини тасвирга олиши, онлайн трансляция қилиши мумкинми?

Сайлов жараёнини кузатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (мандат) га эга бўлган шахслар ва аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудиоёзувларни амалга оширишлари мумкин. Қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно ҳисобланади.

Фуқаролар ёки блогерлар агар тегишли ҳужжат (мандат)га эга бўлмаса, бундай ҳуқуққа эга эмас.

6. Сайлов комиссиялари қандай молиялаштирилади?

Сайлов комиссияларини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан амалга оширилади.

7. Сайлов комиссиялари ишига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўланадими?

Сайлов комиссиялари ишига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Сайлов комиссияларининг аъзоларига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатларининг ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўланади.

Сайлов комиссиясининг доимий иш жойига эга бўлмаган аъзоларига, шу жумладан, пенсионерларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ иш ҳақи тўланади.

(Давоми бор)

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси
томонидан тайёрланди.**

SAYONAT

Мудофаа вазирлиги
Ахборот-коммуникация
технологиялари ва алоқа
ҳарбий институтида
«Мен мустақил юрт
фарзандиман» шиори
остида маънавий тадбир
бўлиб ўтди. Тадбир
доирасида Зангиота
туманидаги умумтаълим
мактаблари ўқувчилари
ҳамда ҳарбий қисм
муддатли ҳарбий
хизматчилари учун
экскурсия уюштирилди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида жасорат, мардлик ва шижоат каби фазилатларни шакллантириш, шунинг билан бир қаторда ҳарбийликдек шарафли ва масъулиятли касбга қизиқиш уйғотиш мақсадида ташкил этилган мазкур экскурсия ҳарбий институт тарихи ва бугунини ўзида мужассам этган мўъжаз музейдан бошланди ва кутубхона, Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди хоналари бўйлаб давом этди. Саёҳат давомида ёшларга курсантлар ҳамроҳлик қилди.

Шу кунни ёшларнинг ҳеч бир саволи жавобсиз қолмади. Зеро, институт бошлиғининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Файзулла Шерматов ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий касб нуфузи, бугун юртимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчиларга



Barkamol avlod

кўрсатилаётган эътибор, берилаётган имтиёзлар хусусида батафсил маълумот берди. Эътироф этиш жоизки, ёшларнинг гап-сўзлари, бераётган саволларидан улар орасида келажакда ҳарбий касб эгаси бўлишни мақсад қилиб қўйганлар кўпчиликини ташкил қилишини англадик. Экскурсия эса уларнинг қалбидаги мана шу иштиёқни янада оширгани билан қимматли бўлди.

– Мактабни тамомлаганимдан сўнг «Темурбеклар мактаби»га ўқишга кирмоқчиман, – дейди Зангиота туманидаги 32-умумтаълим



мактаби ўқувчиси Алиакбар Абдувалиев. – Шунинг учун ҳозир кўпроқ ўқиб-ўрганиб, билимларимни мустаҳкамлаяпман. Курсант акаларимиз билан бўлган суҳбатда ўқишга кириш учун кўпроқ ўқиш билан бирга жисмоний тайёргарликка ҳам катта эътибор бериш кераклигини билдим. Ҳарбий хизматчи бўлиб, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигига қалқон бўлсам, дейман. Бугунги тадбир қалбимдаги мана шу эзгу ниятни қатъий мақсадга айлантирди, ҳарбий соҳага қизиқишимни янада оширди.

Тадбир давомида ҳаваскор ёш расмлар ўртасида «Мустақиллик менинг тақдиримда» номли танлов ҳам ўтказилди. Иштирокчилар эсдалик совғалар билан рағбатлантирилди.

Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВА

Tanlov

ТАРБИЯ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаковнинг ташаббуси билан жойларда ҳудудий ҳарбий прокуратуралар томонидан «Ҳарбий прокурор ва ёшлар», «Ҳарбий прокурор кубоги» доирасида ёшлар ўртасида турли учрашув ва спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, Урганч ҳарбий прокуратураси томонидан Хива туманида ёшлар иштирокида «Прокурор ва ёшлар учрашуви» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбир давомида 50 нафардан

ортиқ ёш спортнинг волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, шунингдек, мусиқа, санъат, китобхонлик, рассомлик, ахборот технологиялари ихтирочилиқ маҳорати ва бошқа йўналишлар бўйича ўзларининг билим ва жисмоний имкониятларини синовдан ўтказишди.

Танловларда фахрли ўринни эгаллаган ўқувчи-ёшлар кубок, медаллар ва ҳарбий прокурорнинг ташаккурномалари ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Урганч ҳарбий прокурорининг
ёрдамчиси

ВАТАН МАДҲИ БОЛА НИГОҲИДА

Қуролли Кучлар давлат музейида «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўртасида «Мен янги Ўзбекистоннинг ёш бунёдкориман» мавзусида онлайн видеороликлар танлови ўтказилди.

– Танловга келиб тушган видеоматериаллар соҳа мутахассислари томонидан таҳрир қилинди ва шаффофлик принципларига риоя этган ҳолда ғолиблар аниқланди, – дейди Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Зулфия Мансурова. – Дунёни болалар нигоҳи билан кўриш барибир бошқача. Уларнинг беғубор қалбларидаги Ватанга бўлган муҳаббатни видеороликлардан ҳам кўриш мумкин. Биз ҳакамлар ҳайъати

билан танловга юборилган материалларни кузатар эканмиз, болаларимиздаги ватанпарварлик, садоқат, меҳр ва муҳаббатни турли ракурсларда акс эттира олганлигига гувоҳ бўлдик.

Натижаларга кўра, Ойзода Хўжамбердиева тайёрлаган видеоролик биринчи, Нурия Анварова иккинчи, Гулҳаё Сувонова учинчи ўринга лойиқ кўрилди. Танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

«САМОСУД» ЖИНОЯТМИ ЁХУД ЖАЗО?..

Сўнгги вақтларда Интернетдаги ўзбек сегментида «самосуд» ҳолати билан боғлиқ видеотасвирлар, ахборотлар кўпайиб, ушбу мавзу яна «тренд»га чиқди.

«Берунийда ўғрилиқда гумон қилинган йигит қўлидан осиб, сазойи қилинди».

«Андижонда ҳам ўғрилиқда гумон қилинган, оломон қаҳрига учраган аёл ўзини сойга отиб қутулди».

«Фарғонада икки нафар қиз синглисини ранжитгани учун учинчи қизни «самосуд» қилди»...

Яқинда ижтимоий тармоқларда жорий йилнинг 21 июль кўни Ургут туманида яшовчи фуқаро «Телеграм»даги гуруҳда туманнинг Ёўс қишлоғида яшовчи фуқароларни ҳақоратлагани ортидан можаро келиб чиққанлиги, натижада қишлоқ аҳолиси 23 июль кўни эрталаб «айбдор»ни «жазолаш» учун аввал унинг уйига, сўнг «айбдор»ни ўзларига топширишини талаб қилиб, ҳокимият биносига борганлиги ҳақида хабар тарқалди.

Ижтимоий тармоқларда урчиган видеоларда тасвирланишича, Миллий гвардия ва ИИБ ходимлари ёўсликларни ҳокимият биносига бостириб киришдан тўхтатиб қолган ва тушга яқин тарқатиб юборишга муваффақ бўлган. Ҳозир гап фақатгина бу воқеа ҳақида эмас.

Ҳа, қонун бузилиши ҳолатларини кўрсак, адолатсизликка учрасак, ҳақ-ҳуқуқимиз топталди, нима, қонун йўқми, деб нолиймиз. Кейин эса гумонланувчини қонун доирасида тергов қилиш, агар у айбдор бўлса, тегишли чора қўллаш ҳуқуқини масъул органлар қолиб ўзимиз қўллагимиз келиб қолади. Баъзан суд қарорларидан кўнглимиз тўлмайди. Суд-ҳуқуқ тизимида адолатли қарорлар чиқарилишига ишонмаймиз. Жамиятда адолатсизликлар кўпайиб кетди, жамоатчилик назорати пассив, дея худди қонун устувор бўлган жамият биз учун утопиядек туйилади. Аммо юқоридаги каби ҳолатларнинг содир бўлиши инсон ҳуқуқлари, унинг эркинликларини оёқости қилиш дегани эмасми? Ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар қилганларга ёвқараш қиламиз. Икки-уч кишилашиб, бир фуқарони ўзимизча суд қилиб, ҳукми ҳам чиқариб қўя қоламиз. Кучли давлат кучли фуқаролик жамияти орқали бунёд бўлишини тан олгимиз келмайди. Ахир ҳар томонлама ривожланган, демократик давлат талаби бу каби ҳолатларни инкор этади-ку!

САБАБ НИМАДА?

Одамлар онгида ҳар доим «жиноятчи»га ўша ондаёқ шафқатсиз жазо бериш истаги кучли бўлган. Айниқса, давлат томонидан жазо муқаррарлиги шубҳа остига олинса ёхуд енгил жазо билан қутулиш имконияти юқори, дея топилган вазиятлар «самосуд»га етаклайди.

Кишилар онгида айбланувчи оломон томонидан «самосуд» орқали жазоланса, у бу йўлга қайтиб қаймайди, деган тор тушунча бор. Баъзан «самосуд» жараёнида оломон вакиллари гумондорни кўрқитиб қўйишни, шу йўл билан жиноятдан қайтаришни ўйлайди. Аммо вазият ҳар онда издан чиқиб кетиши, кўпчиликнинг биттадан отган тоши ёки биттадан туширган мушти бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлишини англаб етмайди.

«Самосуд» узоқ тарихга бориб тақалади. Ахир инсоният қадимдан қонун бузилишига нисбатан «оломон қаҳри» қўлланишига мойил бўлиб келган. Аксарият жиноятчилар омманинг кўз ўнгиде бошқаларга ибрат бўлиши учун осиб ўлдирилиши адолатли қарор сифатида баҳоланган ҳамда одамзод онгида гуноҳкорнинг жазоси тайин ва шафқатсиз бўлиши каби тушунчаларни пайдо қилган. Табиийки, азобли ўлим топаётган кишини кўрган оломон дийдаси қаттиқлашиб, кўзи кўникиб боради. Оқибати эса тайин: жиноятга қўл урган ёки шунга мойил деб топилган вазиятларда ҳам оломон гуноҳкорни судсиз, қозининг қарорисиз жазолаб кетаверган. Натижада қанчадан-қанча бегуноҳ, айбсиз кишилар жабр чекиб қолаверган. Оломон ҳеч қачон «айбдор»нинг «айби» нимада эканлигини суриштириб ўтирмайди. Кимдир: «Ана, жиноятчи! Уни ўлдириш!» деб тош отса, қолганлар ҳам қўшилиб тош отаверади. Тарих бу каби ҳолатларнинг кўпини саҳифаларига муҳрлаган.

– Қаҳр-ғазаби кучли бўлган одамлар доимо ўзгаларни жазолашни яхши кўради, – дейди психолог Муаттар Расулова. – «Самосуд»га қўл урган аксарият кишилар онгида «қонун менман», деган тушунча пайдо бўлган. Бундай инсонлар



жаҳлдор, ғазаби тез кўрингани билан аслида ўзларини жуда ҳам бахтсиз ҳис қиладилар. Уларнинг ўзларига бўлган нафрати шунчалик кучлилигидан жиноятга қўл уриб, бошқаларни таҳқирлаш орқали ичидаги бор аламини чиқарадилар. Баъзилари эса қонунан берилган жазо гуноҳкорга етарлича эмаслигини иддао қилиб ҳам ушбу жиноятга қўл уришлари мумкин. Булар нафақат атрофидагиларга, балки ўзларига ҳам ишонмайдиган кишилардир.

НИМАСИ БИЛАН ХАТАРЛИ?

Шахсни ўзича суд қилиш ва уни жазолаш – жамият учун катта хавф туғдирадиган ҳолат. Чунки «самосуд» билан боғлиқ ҳолатлар маданиятсизликнинг бир кўриниши бўлиб, жамият ичкарасида катта хаос, яъни бошбошдоқлик келтириб чиқариши мумкин. Тартибсизликлар мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатади. Ҳар қандай замон ва маконда ҳукумат бундай ҳолатларга қарши кескин курашади.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Кўча «разборка»сида чиқарилган қарор адолатли бўлавермайди. Чунки ўзича судлаш пайтида жазолаётган шахслар ҳис-ҳаяжонини жиловламайди. Айбланувчини сўроқ қилмай, иккинчи ва учинчи томонларни тингламай, кучи етганча жазолаб кетаверади.

ҚОНУН НИМА ДЕЙДИ?

Конституциянинг 26-моддасига кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмайди. Яъни тегишли суднинг қарорисиз бировни айбдор ҳисоблаш ҳам, жазолаш ҳам мумкин эмас.

– Жиноят кодексининг 229-моддасига кўра, ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат, жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгилаб ўтилган, – дейди Олий суд мурожаатлар билан ишлаш бошқармасининг катта консультанти Ҳабибулло Мадатов. – Шунингдек, «самосуд» қилиш натижасида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлик учун ҳам қонунчиликда жавобгарлик белгиланган. Яъни Жиноят кодексининг 103-моддасига кўра, шахсни кўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Шу билан бирга, ўзича судлаш (самосуд) оқибатида қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилса, Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиб, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирса, Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «л» банди, яъни безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш ўринлики, «самосуд» билан адолат тикланиб қолмайди. Зеро бузилган қонунга ҳуқуқий баҳо ва тегишли жазо берадиган давлат органлари мавжуд. Демократик давлатларда ҳар қандай низолар суд орқали, қонунчиликда белгиланган тартиблар йўли билан ҳал этилади. Шундай экан, ҳуқуқингиз топталса, қонун бузилиши ҳолатларига дуч келсангиз, айбдорни ўзингизча жазолашга шошилманг. Қонунни бузиб, инсон шаънини топташ билан жиноятчиға айланиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика
йўналиши талабаси

SAYONAT

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗ – ҒУРУРИМИЗ

Жанубий оператив қўмондонлиги таъсирфуқиди Шеробод гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари иштирокида мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан «Миллий қадриятимиз – миллий ғуруримиз» шиори остида маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Тадбир Шеробод тумани маданият ва маърифат музейида ўтказилди.

Кечада туман ҳокимлиги, музей раҳбарияти ва ҳарбий хизматчилар иштирок этиб, сўзга чиққанлар музейлар халқимиз маънавий-маърифий камолотида, ёшларимизнинг дунёқарашларини ўстиришда, бой меросимизни асраб-авайлаш, илмий асосда ўрганиш, тарғиб қилиш, миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.



Шу кўни ҳарбий хизматчилар музей экспозициясидан ўрин олган Сурхондарё этномаданиятини акс эттирувчи либослар, турли кўринишдаги ўтовлар, сопол идишлар ва қўл билан яратилган санъат асарлари билан танишдилар.

III даражали сержант Акбар АҲМЕДОВ
Термиз гарнизони

O'tgan yildan beri koronavirus pandemiyasi tufayli yuzaga kelgan murakkab vaziyatdan kelib chiqib, o'qishga qabul qilish hamda imtihon tartibida muayyan o'zgarishlar joriy etildi. Ayni kezda kursantlikka nomzodlar oliy harbiy ta'lim muassasalariga o'qishga kirish uchun o'tkaziladigan davlat test sinovlarini topshiryapti. Ayni jarayonda ilmga chanqoq yoshlarni qator savollar qiziqtirmoqda.

KURSANTLIKKA NOMZODLARNING SAVOLLARI OCHIQLANDI

Fanlar soni – 5 ta
Test topshiriqlari – 70 ta
Maksimal ball – 70 ta
Umumiy soat – 3 soat

2-mutaxassislik fani
20 ta test topshirig'i
60 daqiqa (1 soat)

1-mutaxassislik fani
20 ta test topshirig'i
60 daqiqa (1 soat)

Mutaxassislik fanlari bo'yicha 2 soat
40 ta test topshirig'i uchun – 126 ball



Ona tili
10 ta test topshirig'i
20 daqiqa

Matematika
10 ta test topshirig'i
20 daqiqa

O'zbekiston tarixi
10 ta test topshirig'i
20 daqiqa

Majburiy fanlar bo'yicha jami 1 soat
30 ta test topshirig'i uchun – 63 ball.

Mazkur mavzu yuzasidan Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi mutasaddilari bilan bog'landik. Savollarga Davlat test markazi bosh mutaxassisi Jamshidbek ODILOV javob berdi.

Savol. Men o'tgan yili muddatli harbiy xizmatni o'tab, harbiy qism qo'mondonligining tavsiyanomasiga ega bo'ldim. Endi oliy harbiy ta'lim muassasasiga kursantlikka nomzod sifatida davlat test sinovlarida to'plagan balimga tavsiyanomam imtiyozi bo'yicha 50 foizlik ball qo'shilishini qaysi tashkilot ta'minlaydi?

A. Sultonov (Qumqo'rg'on tumani)

Javob. Yurtimizdagi harbiy qismlar 5 ta vazirlik va idora tasarrufida mavjud. Siz ularning aynan qaysi birida xizmat qilgan bo'lsangiz, o'sha tashkilot harbiy qism qo'mondonligidan berilgan tavsiyanomani Davlat test markazining abituriyentlarni onlayn ro'yxatdan o'tkazuvchi my.dtm.uz saytidagi imtiyozlar bazasiga kiritishi kerak. Siz mazkur saytdan ro'yxatdan o'tib, hujjatlaringizni onlayn tarzda topshirgan bo'lsangiz va tegishli tashkilot tomonidan tavsiyanomangiz imtiyozlar bazasiga kiritilgan bo'lsa, davlat test sinovlarida to'plagan ballingizning 50 foizi miqdorida qo'shimcha ball beriladi.

Savol. Men hujjat topshirgan harbiy bilim yurti uchun test sinovlarida belgilangan asosiy fanlar majmuasi – matematika va fizika. Ammo davlat oliy ta'lim muassasalarining 5 ta ta'lim yo'nalishi orasida test imtihoni fizika va matematika etib belgilangan fakultetlarni ham tanlaganman. Bordi-yu, mandat natijalariga ko'ra, kursantlikka tavsiya etilmay, to'plagan balim mana shu ikki mutaxassislik fanining o'rnini (ketma-ketligini) almashtirib tanlagan yo'nalishim (masalan, tibbiyot fizikasi)ga yetsa, unda o'qiy olamanmi? Yoki asosiy fanlar majmuasi ketma-ketligida ham qat'iy tartib-mezon o'rnatilganmi?

T. Azizov (Pop tumani)

Javob. Joriy yilda har ikkala mutaxassislik faniga bir xil 3.15 balldan berilgani uchun asosiy majmuadagi

ikki fanning ketma-ketligini almashtirib tanlash imkoniyati berildi. Shu bois test sinovlarida to'plagan ballaringiz onlayn ro'yxatdan o'tishda tanlangan yo'nalishlarning qaysisiga yetarli bo'lsa, albatta, o'qishga tavsiya etilasiz.

Savol. Men ichki ishlar organlarining amaldagi xodimlari farzandlari uchun beriladigan 3 foizli davlat granti asosidagi tavsiyanoma oliy ta'lim muassasalarining kunduzgi, kechki va sirtqi ta'lim shakllari uchun ham o'tadimi?

S. Mamayusupov (Mirzacho'l tumani)

Javob. Prezidentning 2019-yil 26-fevraldagi PQ-4212-sonli qaroriga muvofiq, ushbu imtiyoz faqat kunduzgi va sirtqi ta'lim shakllari uchun tatbiq qilinadi.



kiritilmasligi va faqat harbiy ta'lim muassasalariga uchun imtiyoz berishini aytishibdi. Ushbu taqdimnomamning davlat oliy ta'lim muassasalariga imtiyozi yo'qmi?

U. Elbekov (Angren shahri)

Javob. O'zbekiston Respublikasi ta'lim muassasalariga o'qishga qabul qilish bo'yicha Davlat komissiyasining 1-son bayoniga muvofiq, ichki ishlar organlarining amaldagi xodimlari farzandlariga berilgan taqdimnoma

Mutaxassislik fanlaridan test topshiriqlari 3 ta qiyinlik darajasida tuzildi



Ichki ishlar organlari xodimlarining farzandlari uchun respublika bo'yicha jami 875 ta qo'shimcha kvota ajratilgan bo'lib, mazkur imtiyoz ichki ishlar organlari xodimlarining farzandlari sifatida taqdim etilgan tavsiyanomaga ega abituriyentlarga nisbatan joriy etiladi.

Savol. Davlat test markazi saytidan oliy harbiy ta'lim muassasasi uchun onlayn ro'yxatdan o'tganimga, ichki ishlar organlari xodimlari farzandlari uchun beriladigan taqdimnomam imtiyozlar bazasida chiqmadi. Dadam buning sababini ishxonasidan so'rganida, bu taqdimnoma imtiyozlar bazasiga

DTM sayti bazasiga kiritilmaydi. Ushbu taqdimnoma faqat oliy (va o'rta maxsus) harbiy ta'lim muassasalariga o'qishga kirishda ajratilgan 5 foizli qabul kvotasi doirasidagi tanlovda ishtirok etish imtiyozini beradi. Davlat oliy ta'lim muassasalariga uchun esa bunday imtiyoz berilmaydi.

Savol. Sog'lig'i tufayli abituriyent karantinga olinib, test topshiradigan kunida imtihonda ishtirok eta olmasa, nima bo'ladi?

F. Xayrullayev (Xonqa tumani)

Javob. Agar test kunigacha tegishli tashkilot uning sog'ayganligi to'g'risida ma'lumot bersa, testga qo'yiladi. Agar o'zining test

topshiradigan kunida karantinda yoxud tana harorati 37 darajadan baland bo'lsa, barcha test sinovlari to'liq yakunlanganidan so'ng o'n to'rt kun ichida qayta tashkil etiladigan imtihonga kirishi mumkin. Buning uchun abituriyent yoki uning vakili 16 avgustga qadar "Abituriyent ruxsatnomasi" va abituriyent koronavirusga chalingani to'g'risidagi ma'lumotnomani ilova qilgan holda covid@dtm.uz elektron pochta manziliga ariza bilan murojaat qilishi mumkin.

Qayta tashkil etilgan test sinovlarida tana harorati 37 darajadan yuqori bo'lgan va test sinovlariga qadar to'liq sog'aymagan abituriyentlar uchun boshqa test sinovlari tashkil etilmaydi.

Savol. Mutaxassislik fanidan tushayotgan 20 ta savolning qiyinlik darajasi qanday?

B. Rashidov (Xo'jayli tumani)

Javob. Bunda 20 ta savolning 8 tasi oson, yana 8 tasi o'rtacha qiyin va 4 tasi murakkab darajali test topshiriqlaridan iborat.

Savol. Men davlat oliy ta'lim muassasalarining 5 ta yo'nalishini qabul ustuvorligi bo'yicha davlat granti etib belgilaganman. Shularning oxirigisiga o'tgan yillarda bali eng past bo'lgan institutni tanlaganman. Mandat e'lon qilingach, to'plagan balim boshidagi 4 ta universitetga to'lov-kontrakt, ammo 5 institutga davlat granti asosida o'qishga yetsa, men davlat grantidan voz kechib, boshidagi universitetlarning biriga o'tib, o'qiy olamanmi?

N. Komilov (Farg'ona tumani)

Javob. Yo'q, o'tkazib bo'lmaydi. Ushbu holatda to'plagan ballingiz qabul ustuvorligi bo'yicha davlat grantiga yetgan oliy ta'lim muassasasida o'qishga tavsiya etilasiz.

Savol. Davlat test sinovlarida to'plagan ballarni qancha muddatda va qaysi manzildan bilish mumkin?

O. Ismoilov (Kogon tumani)

Javob. To'plagan ballarni test sinovlari topshirilgan kunning ertasiga quyidagi manzil va usullar orqali bilish mumkin:

1. my.dtm.uz saytiga pasport ma'lumotlari hamda JSHSHIRni kiritgan holda.

2. mandat.dtm.uz saytiga abituriyentning ID raqamini kiritgan holda.

3. Abituriyentning ID raqamini quyidagi botlarning biriga kiritgan holda:

@mandat_2021_1_bot,
@mandat2021_2_bot,
@mandat2021_3_bot,
@mandat2021_4_bot

4. Abituriyent qayd varaqasidagi QR-kodni skaner qilgan holda.

Leytenant Dilshod RO'ZIQULOV tayyorladi.

MULOHAZA

«Бас, энди Сиз (ҳали) етимга қазр қилманг!» (Зухро, 9)

Сен етим эмассан...



Азалдан ўзбек халқи болажон бўлган. Ўзи емаса-да, албатта, боласига едириб катта қилади. Нафақат ўз боласига, балки қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг болаларига ҳам ғамхўрлик қилиб келган. Халқимиз орасида «Бир болага етти маҳалла – ота-она», деган нақл бекорга айтилмаган.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги 21-сонли «Меҳрибонлик уйи»га ташрифи мамлакатимиздаги мавжуд меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчаларида тарбияланаётган боқувчисидан ажралган, ота-онасидан етим қолган норасида болаларнинг турмуш тарзи, уларнинг яшаш шароитлари ва таълим-тарбияси ҳақида қайғуриш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчи ва масъулияти эканлиги ҳамда келажаги тўғрисида айтиб ўтдилар.

Муқаддас динимиз таълимотига кўра, жамиятнинг ҳар бир аъзоси алоҳида муносабатга, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳурмат-эътибор ва эҳтиромга лойиқдир. Бу борада Абу Ҳурайра розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Расулulloҳ (с.а.в.): «Мен ва етимнинг кафили жаннатда мана бундаймиз», деб икки бармоқларига ишора қилдилар».** Яъни кимки бир етимнинг бошини силаб, унга меҳр-мурувват кўрсатар экан, пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом башорат қилганларидек, жаннатда у киши билан ёнма-ён туради.

Ҳар қандай жамиятда турли хил табақа вакиллари учратиш мумкин. Ана шу табақа вакиллари ичида энг меҳр ва мурувватга муҳтожлари – етимлардир. Сўнгги пайтларда мамлакатимизда бу каби ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам вакиллари ҳисобланмиш етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, боқувчисини йўқотган болалар сонини сезиларли равишда камайтириш ва қолаверса, уларни аҳоли орасида соғлом турмуш тарзига қайтариш масалаларида турли хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Буни, албатта, биргина давлат раҳбари ёки меҳрибонлик уйлари тарбиячиларининг саъй-ҳаракати билан амалга ошириб бўлмайди. Бу мана шу диёрда яшаётган фуқароларнинг сидқидилдан ёндашуви билан амалга оширилади. Ахир бу болалар ҳам Ўзбекистон фарзандлари, шу юрт келажаги эмасми?!

Минг таассуф билан айтиш керакки, охириги пайтларда орамизда ота-онаси вафот этиб кетган чин етимлар билан бир қаторда ота-онаси ҳали ҳаёт бўла туриб, бундай «бахт»га эришиб қолаётган болаларни кўплаб учратиш мумкин. Сабаби оддий, турли баҳоналар билан ўз жигаргўшаларидан воз кечиб, меҳрибонлик уйларига ташлаб кетишмоқда. Бироқ шуни ҳам унутмаслик лозимки, бундай ота ёки она охиратда жавобини беради, фарзандларини нима сабабдан ташлаб кетганликлари учун, албатта, савол-жавоб қилинади. Муқаддас ислом динида нафақат етимларга ғамхўрлик қилган кишига савоблар берилади, балки уларнинг ҳаққига хиёнат қилганларга ҳам даҳшатли азоблар ваъда қилинган. Чунончи, Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Анъом сураси 152-оятда шундай дейди: **«То вояга етмагунча етимнинг молига яқинлашманг, магар чиройли йўл билан яқинлашишингиз мумкин».**

Халқимиз етимларни ҳеч қачон кўчада қолдирмаган. Ўша машъум Иккинчи жаҳон урушида ота-онасидан маҳрум бўлган турли миллат вакиллари ҳам ўз бағрига беминнат сиғдира олган буюк халқ бу. Бундан буён ҳам мана шу анъаналар давом этаверади. Жумладан, ҳукуматимиз томонидан ҳам бу каби масалаларга алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда, улар тураржой, кийим-бош, озиқ-овқат ва бепул таълим билан таъминланаяпти. Бу эса келажак авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Ажаб эмас, улардан ҳам юрт корига ярайдиган, Ватанимиз равнақи учун хизмат қиладиган, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топа оладиган турли соҳа вакиллари етишиб чиқса. Зеро, жаннатмонанд диёримиз болалари жисмонан соғлом, маънан етук шахс бўлиб етишишлари ва албатта, бахтиёр болаликни ҳис қилиб, вояга етишлари шарт.

**И. ХАСАНОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети
катта ўқитувчиси**

SALOMATLIGIMIZ - O'Z QO'LIMIZDA!

Коронавирус пандемиясининг деярли бутун дунё бўйлаб тарқалиши мамлакатлардаги эпидемиологик барқарорликка жиддий ҳавф солмоқда. Бу жараён юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани ийқ. Сўнгги вақтларда мамлакатимизда ҳам тождор вирус билан боғлиқ вазият тобора мураккаб тус олиб, аҳоли орасида касалликка чалиниш ҳолати сезиларли даражада ортди.

ВАКЦИНА ОЛИШ — вирус занжирини узишнинг ягона йўли!



Ушбу мураккаб бир шароитда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда ўз касбининг фидойилари бўлган тиббиёт ходимлари томонидан кўрсатилаётган жасорат эвазига минглаб юртдошларимиз ҳаёти сақлаб қолинапти.

Афсуски, жорий йилда менинг коронавирус инфекциясидан сақланиш учун қилган барча саъй-ҳаракатларим керакли натижани бермади. Ҳар ҳолда мен аввалги йилда вирус билан касалланмаганим сабабли ҳукуматимиз ва Хитой Халқ Республикаси томонидан ҳамкорликда ташкиллаштирилган эмлаш тадбирларида биринчилардан бўлиб, уч босқичда вакцина қабул қилган эдим. Шунга қарамай, мен ва менинг оиламда ҳам бу вирус мавжудлиги аниқланди. Аҳволимиз яхшилигини инобатга олиб, тушкунликка тушмаган ҳолда шифокорларимиз томонидан берилган тавсия ва кўрсатмаларга амал қилиб, керакли муолажаларни уй шароитида бошлаб юбордик.

Вакцина ўз сўзини айтди! Мен танамда ушбу вирусга қарши иммунитет борлиги сабабли касалликни жуда енгил ўтказдим, худди шамоллаш (грипп) таъсиридаги ҳолатда эдим. Бироқ турмуш ўртоғим вакцина қабул қилишга улгурмаган эди. Касалликнинг тўртинчи кунини унда йўтал кучаявергач, МСКТ орқали ўпкани текширтирганимизда, ўпканинг 30-35 фоизи вирус билан зарарлангани қайд этилди. Турмуш ўртоғимнинг ўз вақтида вакцина қабул қилмаганлиги учун жуда қаттиқ пушаймонда эдик.

Бир оз кеч бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан корона-вирус инфекциясини юқтирган шахсларни даволаш мақсадида «Ўзэкспомарказ» мажмуаси

павильонларида ташкил этилган вақтинчалик шифохонага мурожаат қилдик. Инсон учун бебаҳо неъмат бўлган саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, фуқароларимизга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликнинг олдини олиш тадбирларида Мудофаа вазирлиги тиббиёт ходимларининг ўрни бекиёс эканига шу ерда яна бир бор амин бўлдик.

Тиббий хизмат подполковниги Б. Машарипов ва унинг жамоаси томонидан кўрсатилган юксак даражадаги тиббий хизмат ва ғамхўрлик сабабли бир ҳафтада вирус асоратлари ортга чекиниб, бизга уй шароитида даволанишга рухсат берилди.

Мен деярли бутун дунё мамлакатлари бошига мислсиз ташвишлар ва саросима солаётган коронавирус инфекциясига қарши вакцина олиш ҳақида бир фикрга кела олмай юрган юртдошларимизга қарата айтмоқчиманки, ушбу вирусдан талафот кўрмасликнинг бирдан-бир йўли бу – вакцина олиш экан! Тўғри, балки, вирус танангизни забт этар, аммо уни енгиш худди менда бўлгани каби жуда енгил ўтиши аниқ. Вакцина олишни пайсалга солманг!

Шу ўринда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Мудофаа вазирлиги тизимида фаолият юритаётган заҳматкаш тиббиёт ходимларининг инсон саломатлигини сақлашдек машаққатли, аммо шарафли меҳнатлари учун миннатдорлик билдираман. Ҳеч қачон қўлингиз дард кўрмасин, азиз шифокорлар!

**Нодирбек РАҲМОНОВ,
Мудофаа вазирлиги
юридик бошқармаси
бўлим бошлиғи
ўринбосари**

Бу йил давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини кенг нишонлаймиз. Халқимизнинг энг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқарган, қадимий тарихи, бой ўтмишини тиклаб берган, дунё саҳнасида Ўзбекистон деган давлатнинг яралиши, ўз ўрни ва мавқеига эга бўлишига замин яратган бу улуг айёмни барча ватандошларимиз ўзгача шоду хуррамлик ҳамда шукроналик ҳисси билан кутиб олмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол ту-файли мамлакатимиз тарихида янги давр бошланди. Янгича тафаккур, янги дунёқараш шакллана бошлади. Сўз эркинлиги, ижод эркинлигига кенг йўл берилди. Барча соҳаларда бўлгани каби санъат, кўшиқчиликда ҳам истеъ-додли ижодкорлар, бадий жамоалар томонидан озодликни, ҳурлик наши-дасини тараннум этувчи, ватанпар-варлик, юртга садоқат ва меҳр-оқибат туйғулари билан йўғрилган кўплаб ижод намуналари яратилди.

Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари ашула ва рақс ансам-бли жамоаси томонидан ҳам истиқлол

ЧЕГАРАДА ТУРИБМАН...



йилларида кўплаб ҳарбий-ватанпар-варлик мавзусидаги кўшиқлар, саф кўшиқлари ва сарҳадларимиз пос-бонларининг жасоратини тараннум этувчи мусиқий композициялар мух-лислар эътиборига ҳавола этилди.

Мазкур ансамблда бир неча йил-лар давомида фаолият олиб бор-ган, кўплаб миллий ва халқаро кўрик-танловлар ғолиби, «Соҳир овоз соҳиби» номинацияси сов-риндори кичик сержант Хусниддин Халимқулов болалигидан ижодга ошнолиги сабаб, хонандалик йўна-лишида таҳсил олган.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида унинг юрт ҳимоячиси

бўлишдек шарафли касбга қизиқи-ши ортди. Бугунги кунда у ҳарбий хизмат ва санъатни баробар олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Хус-ниддиннинг кўшиқларини тинглар экансиз, кўз ўнгингизда юртни сев-ган, ҳар қарич тупроғини муқаддас билиб, сарҳадида мағрур, сергак турган ўғлонларнинг қиёфаси гав-даланади.

Истиқлолимизнинг 30 йиллиги му-носабати билан кичик сержант Хус-ниддин Халимқуловнинг «Чегарада турибман» номли ҳарбий-ватанпар-варлик кўшиқлари жо бўлган янги альбоми тингловчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Альбомдан жой олган «Ўзбекистон чегарачиси», «Фидойилар», «Ватан учун», «Аскар соғинчи», «Ватан сени севаман», «Чегарада турибман» каби кўшиқлар ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳини янада ошириб, кайфиятини кўтаришга хизмат қилса, ушбу ашулаларни тинглаган ёшлар-нинг ҳарбийликка бўлган ҳаваси ор-тиб, келгусида чегарачи акаларидек юксак садоқат билан юрт ҳимоясига отланиши, шубҳасиз.

**Капитан
Фарида БОБОЖОНОВА,
ДХХ Чегара кўшинлари**

IJTIMOIY HIMOYA

ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ



Фарғона ҳарбий прокуратураси ва вилоят Миллий гвардияси бошқармаси ҳамкорлигида Фарғона шаҳрида жойлашган болалар уйида тарбияланувчи ёшлар учун бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Унда Фарғона шаҳрида жойлашган корхона ва муассасалар бўш иш ўрин-лари билан иштирок этди.

Ўтказилган меҳнат ярмаркаси натижасида Миллий гвардия Фарғона вилояти Кўриқлаш хизмати тизимига 3 нафар, «FERGANA GLOBAL TEXTILE» фабрикасига 3 нафар, «Farg'onaazot» акционерлик жамиятига 1 нафар ёшга ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Шу билан бирга, 35 нафар ёшларга бандлик масалалари бўйича маслаҳат-лар берилиб, 17 нафар касбга эга бўлмаган ёшлар Мономарказда турли касб йўналишлари бўйича ўқитиш учун рўйхатга олинди, 3 нафар ҳайдовчиликни ўрганиш истагини билдирган ёшларнинг Фарғона вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги Чақирилувчиларни ҳарбий техника мутахассислиги бўйича тайёрлаш марказига имтиёзли равишда ўқиш учун рўйхатга олиниши таъминланди.

**Абдумалик АБДУСАМатов,
Фарғона ҳарбий прокурорининг ўринбосари**

SOG'LOM TURMUSH

Бугун яқин қариндошлар ўртасида қуда-андачилик ришталари тез-тез учраб турибди. Баъзилар «Мени десанг, тоғаннинг (аммангнинг, холангнинг) қизига уйланасан» ёки «Фалончилар ҳам қариндош, лекин болалари соғлом туғилган», деган янглиш фикрлар таъсирида фарзандлари тақдирини ҳал қилиб қўймоқда.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК!



Лекин шифокорларнинг айти-шича, ирсий касалликлар бола туғилган пайтида намоён бўлавер-майди. Улар болаларда турли ёшда бўй кўрсатиши мумкин экан. Яқин қариндошлик никоҳи асоратлари бир авлодда кузатилмаса, кейинги авлодларда, албатта, юзага чиқар экан. Ҳайратланарлиси, жуда чи-ройли амакиваччалар ё холавач-чалар гулдек жуфтлик бўлиша-ди-ю, аммо уларнинг фарзандлари негадир ўзига ўхшаган кўркам бўлавермайди. Англаш мумкинки,

бу ҳолатлар ирсиятдаги ўзгариш-ларнинг дастлабки белгиларидир. Генетик жиҳатдан изоҳланадиган бўлса, яқин қариндошлар ўртасида-ги никоҳлар ирсий касалликларнинг ривожланишига, хаста ва ногирон гўдакларнинг туғилишига сабаб бўлади. Шундай экан, келажакда соғлом ва баркамол фарзандлар ду-нёга келишига жиддийроқ эътибор қаратайлик.

**Қуролли Кучлар хизматчиси
З. ТУРДИЕВА**

MUDOFAGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKILOTLARIDA

РЕЖАЛАР ИЗЧИЛ ИЖРОДА

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши ва унинг тасарруфидаги ташкилотларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига жалб этиш ҳамда фаол фуқаролик позициясига эга мамлакатнинг муносиб фарзандлари сифатида шаклланишига имконият яратиш, шунингдек, оммавий касб ходимларини тайёрлаш борасида амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва ислохотлар талаблари ҳамда ташкилот низоми, Марказий кенгашнинг конференция ва йиғилишларида қабул қилинган дастур ва режалар асосида олиб борилмоқда.

«Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши тасарруфида 2 та шаҳар, 7 та туман ўқув-



спорт техника клуби (ЎСТК), битта автомобиль мактаби ҳамда вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ўқув ташкилотларининг моддий негизини такомиллаштириш мақсадида, энг аввало, назарий ва ўқув-амалий хоналари тўлиқ таъминланди, ўқув электрон дарсликлардан фойдаланишда компьютер ва видеопроекторлар жамланмаси билан бўтланди, амалий машғулотлар майдончалари замонавий талаблар асосида жиҳозланди. Амалий бошқаришни ўргатишда автотренажёрлардан фойдаланилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ўқув муассасаларида оммавий касбдаги ходимларни тайёрлаш ишлари режадагидан ортиқроқ бажарилди. Масалан, жорий йилнинг шу даврига қадар 8 921 нафар оммавий касб ходими тайёрланди.

Ташкилот вилоят кенгаши ва унинг жойлардаги ЎСТК томонидан ҳарбий хизматчилар ва қақирувгача бўлган ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий йўналишдаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари мунтазам ташкил этилмоқда. Давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб Бухоро шаҳридаги ҳарбийлар шаҳарчасида ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва фарзандлари иштирокида «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида ўтказилган маданий-маърифий ва спорт тадбири ҳам шулар жум-

ласидан. Тадбирда «Ватанпарвар» ташкилотининг амалий спорт турлари кўргазмаси намоиш қилинди. Шунингдек, кўчма автомактаб ташкил қилиниб, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва фарзандлари иштирокида «Яшил чироқ» викторинаси, ҳаво милтиғидан ўқ отиш мусобақаси ўтказилди.

Маълумки, 2021 йил мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб номланиб, бу борада Давлат дастури қабул қилинган. Унинг 170-бандида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти зиммасига ёшларни меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш вазифаси юклатилган. Ана шу ва бошқа тегишли топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ташкилотимиз ўқув муассасаларида уч босқичли курслар ташкил этилди.

1-босқичда «Ёшлар дафтари»га киритилган 786 нафар ёш ҳайдовчилик курсларида ўқимокда. 2-босқичда эса «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган ёшлар ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларидан ҳозирча 123 нафари «Техник хизмат кўрсатиш мутахассисларини тайёрлаш курслари»да вулканизаторчи, газ-электрпайвандчи, аккумуляторчи, автоэлектрик ҳамда авточилангар каби мутахассисликлар бўйича таълим олмоқда. 3-босқичда жорий йилнинг 1 декабридан бошлаб ана шу тоифага киритилган ёшларни «Махсус техникаларни бошқариш



бўйича мутахассисларни тайёрлаш курслари»да юк ортувчи транспорт ҳайдовчиси, юк крани ҳайдовчиси, автогидроподъёмник ҳайдовчиси, ғилдиракли трактор машинисти ва битта ковишли экскаватор ҳайдовчиси мутахассисларини тайёрлаш ишлари режалаштирилган.

Вилоятда техник ва амалий спорт турларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш борасида ташкилотлар ҳузурида фаолият кўрсатётган спорт тўғараклари ва секцияларининг ўрни бекиёс. Айни пайтда ёшлар бу секцияларда ҳаво милтиғидан ўқ отиш, ёзги биатлон, дуатлон, триатлон, моделсозлик, ракетамодел, авиамодел, радио-спорт, картинг, автоспорт, автоталли, мотоспорт, ҳарбий-амалий кўпкураш турлари бўйича мунтазам шўғулланмоқда. Ўқув-спорт техника клубларида 60 дан ортиқ турли даражадаги мусобақа ўтказилиб, уларда жами 1 330 нафар спортчи иштирок этди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эришган ютуқларимиз бизга сурур бағишлайди. Ўз навбатида, бу зафарлар бизни янада янги марраларни забт этишга ундайди.

Рустам БАЁЗОВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти
Бухоро вилояти кенгаши раиси

НАТИЖАЛАР ЭЪТИБОРГА ЯРАША



Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сирдарё вилояти кенгаши ҳам амалдаги қонунчилик ҳамда ташкилот низоми асосида ёшларни маънавий ва ижтимоий ҳаётда зарур бўлган халқ хўжалиги учун оммавий касбга йўналтириш, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш каби вазифаларни амалга ошириб келмоқда.



Ташкилот тизимидаги ўқув муассасаларида «А», «В», «ВС», «ВЕ», «СЕ» ҳамда «D» тоифали ҳайдовчилар, шунингдек, жорий йилнинг август ойидан бошлаб «Техник хизмат кўрсатиш мутахассисларини тайёрлаш курслари» ташкил этилиб, вулканизаторчи, электрик-аккумуляторчи, газ-электрпайвандчи, авточилангар ҳамда автоэлектрик ва бошқа мутахассислар тайёрланмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар жами 10 та ўқув-спорт техника клубини 3 712 нафар турли тоифали ҳайдовчи тамомлади. 1 367 нафар ҳайдовчиликка номзод ўқишни давом эттирмоқда.

Сирдарё вилоятида ҳам «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган ёшлар ва эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг оммавий техник касбларга имтиёз асосида ўқитилиши вилоят Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда йўлга қўйилди. Бунга кўра, 407 нафар шу тоифадаги ўқувчидан иборат рўйхат шакллантирилиб, 108 нафар ўқувчи 1-босқичда «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсини имтиёзли равишда битириб, ҳайдовчилик мутахассислигига эга бўлдилар. Натижада бу борада белгиланган режа 107 фоизга бажарилди. Худди шунингдек, юқоридаги рўйхатга киритилган ёшларнинг 2-босқичда таълим олишлари учун ҳам қулай имкониятлар яратилди. Бу босқичда 131 нафар ёш таълим олмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ташкилот ходимлари томонидан аҳоли ва ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпар-



варлик тарғиботини олиб бориш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, мазкур йўналишда вилоят бўйича жами 742 дан ортиқ тадбир ташкил этилиб, унда 10 423 нафарга яқин ёшлар ва ҳарбий хизматчи иштирок этди. Шунингдек, Гулистон шаҳар ҳамда Сардоба, Мирзаобод, Боёвут, Оқолтин, Ховос тумани ўқув-спорт техника клубларида «Ёшлар дафтари» бўйича имтиёз асосида ўқитилаётган ёшлар ўртасида «Раҳбар ва ёшлар учрашуви», «Муваффақиятга эришиш сирлари», «Тадбиркорлик ва ёшлар» каби мавзуларда 63 маротаба семинар-тренинг ташкил этилди. Бундан ташқари, йўл ҳаракати қоидалари тарғиботи йўналишида «Йўл қоидаси – умр фойдаси!», «Яшил чироқ», «Сен йўл ҳаракати қоидаларини биласанми?», «Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганамиз» каби мавзуларда 90 марта тадбир ўтказилиб, уларга 9 645 нафар ўғил-қиз қамраб олинди.

«Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ва унинг жойлардаги ўқув-

спорт техника клублари томонидан спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Натижада спортчи ёшларимизнинг республика ва вилоят миқёсидаги спорт мусобақаларида муваффақиятли иштироки таъминланмоқда. Жумладан, жорий йилдаги барча мусобақаларда сирдарёлик ёшлар фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Вилоятимиз спортчилари орасида республика терма жамоаси таркибига кирганлари ҳам бор.

Дарс жараёнларига инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани ҳамда замонавий ўқув автомобилларидан фойдаланилиши бўлажак ҳайдовчилар малакасини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам вилоятдаги ўқув-спорт техника клубларида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Улуғбек ИМАМҚУЛОВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти
Сирдарё вилояти
кенгаши раиси



ИСРОИЛНИНГ ҲАРБІЙ САЛОҲІЯТИ

Энг сўнгги маълумотлар асосида тайёрланган мазкур мақолада сиз Яқин Шарқда, Осиёнинг ғарбий қисми, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган Исроил давлатининг Қуролли Кучлари ҳақидаги қизиқарли фактлар билан танишишингиз мумкин. Ривожланган индустриал-аграр мамлакат ҳисобланувчи Исроилда ҳарбий соҳага алоҳида эътибор қаратилади. Шу сабабли ҳам мамлакат иқтисодиётида ҳарбий саноат асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, 1947 йилда ташкил топган Исроил давлати ўша даврлардан буён ўз атрофидаги араб мамлакатлари билан душманларча муносабатда бўлиб келмоқда. Ўз ҳудудида фаластинликларга қарши узлуксиз давом этиб келаётган қуролли можароларни ҳисобга олмаганда, Исроил ва араб давлатлари ўртасида 7 марта уруш юзага келган. Мамлакат хавфсизлигига нисбатан доимий хатарнинг мавжудлиги Исроилни замонавий қурол ва жанговар техника (шу жумладан оммавий қирғин қуроллари) билан таъминланган қудратли армияни сақлаб туришга мажбур этади. Шу сабабдан ҳам дунё ва биринчи навбатда, минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Исроил раҳбарияти миллий хавфсизлик кафолати ва минтақада ўз сиёсатини ўтказишнинг асосий воситаси ҳисобланувчи Қуролли Кучлар (ҚК)ни ривожлантириш масаласига доимий эътибор қаратиб келмоқда.

Исроил Қуролли Кучлари анъанавий кўринишга эга бўлиб, Қуруқликдаги қўшинлар (133 минг киши), Ҳарбий ҳаво (34 минг) ва Ҳарбий денгиз кучлари (9,5 минг)дан ташкил топган. Бундан ташқари, уруш ёки бошқа хавф-хатар юзага келадиган ҳолатларда энг муҳим стратегик йўналишларда қўшимча қўшин гуруҳларини ташкил этиш учун сафарбарлик чоралари кўрилиши мумкин. Ҳозирги вақтда Қуруқликдаги қўшинларнинг резерв бўғини 380 минг киши, ХҲК – 55 минг ва ХДК – 5 минг кишидан иборат, деб ҳисобланади.

Мамлакат армиясининг энг кўп сонли ва асосий тури ҳисобланувчи Қуруқликдаги қўшинлар ўз зиммасидаги асосий вазифалардан ташқари, муҳим давлат объектлари хавфсизлигини таъминлаш, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар контрабандасига

қарши кураш ишларига ҳам жалб этилади. Жанговар таркибда ўн битта дивизия (бешта ҳудудий, бешта бронетанк ва ҳаво десанти) ва битта алоҳида ҳудудий бригада бор. The

Military Balance маълумотларига кўра, Қуруқликдаги қўшинлар тасарруфида 3 000 дан ортиқ танк бўлиб, уларнинг асосий қисмини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган турли моделдаги «Меркава» русумли танклар ташкил этади. Бу машина дунёдаги энг яхши жанговар танклардан бири ҳисобланади. Шунингдек, қўшин тасарруфида турли русум ва типдаги (мисол учун, M113, «Намер», «Ахзарит») зирхли жанговар машиналар, оператив-тактик ракеталарни ишга тушириш қурилмалари, дала артиллерияси тўплари ва миномётлар, танкка қарши кураш воситалари, бараварига ўт очувчи ракета тизимлари, зенит-ракета комплекслари, танкка қарши ракеталарни ишга тушириш қурилмалари ва бошқа қуроллар бор. Таъкидлаш жоизки, Исроилда ишлаб чиқариладиган учувчисиз



учиш аппаратлари дунёдаги энг яхшилардан ҳисобланади ва турли мамлакатларга экспорт қилинади.

Нафақат ўз минтақасидаги мамлакатлар, балки дунё армияларининг шу турдаги қўшинлари орасида юқори даражадаги жанговар қобилиятга эга авиация деб ҳисобланувчи Исроил Ҳарбий ҳаво кучлари асосини жанговар ва ёрдамчи авиация самолётлари ташкил этиб, улар ташкилий жиҳатдан авиация қанотлари ва авиабазалар, шунингдек, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситаларига бирлаштирилган. Жанговар таркибдан 14 та жанговар авиация эскадрильяси (10 та қирувчи-бомбардимончи, 2 та қирувчи, разведка, радиотехник разведка ва радиоэлектрон кураш), 7 та вертолёт эскадрильяси, 7 та ёрдамчи авиация эскадрильяси (3 та транспорт, 3 та ўқув ва битта синов), 4 та учувчисиз учиш аппаратлари эскадрильяси жой олган. Бундан ташқари, ХҲК ўрта масофаларга мўлжалланган баллистик ракеталар ва оператив-тактик ракеталардан иборат ракета базасига эга. Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва ракетага қарши мудофаа кучлари «Пэтриот» зенит-ракета батареялари ҳамда «Айрон Дом», «Дэвидс слинг», «Эрроу-2 ва -3» типдаги ракетага қарши комплекслар батареялари билан таъминланган. Мам-

лакатнинг ҳаво қудрати асосини АҚШда ишлаб чиқарилган турли модификациядаги F-15, F-16, F-351 «Адир», F-151 «Тандер» ва бошқа типдаги қирувчи самолётлар ташкил этади. Турли маълумотларга кўра, ХҲК 800 га яқин жанговар самолётга эга. Бундан ташқари, қўшин тасарруфида турли русумдаги транспорт, ўқув, алоқа, ёқилғи қуювчи, электрон разведка ва патруль самолётлари, шунингдек, АН-64А «Апач», АН-1G/E/F/S «Кобра» ва «Дефендер» типдаги жанговар ҳамда турли модификациядаги транспорт вертолётлари бор.

Шарқий Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги етакчи денгиз кучларидан бири ҳисобланувчи Исроил Ҳарбий денгиз кучлари таркибида 3 та эскадра (суб ости кемалари, ракета корветлари, ракета катерлари) ҳамда 3 та соқчи катер отряди бўлиб, улар Хайфа, Ашдод ва Эйлат ҳарбий денгиз базаларида жойлашади. Флот жанговар таркибида Германияда қурилган «Дольфин» типдаги 5 та дизель-электр сув ости кемаси, АҚШдан харид қилинган «Саар 5» ва



«Эйлат» типдаги ракета корветлари, «Хец», «Алия» ва «Решеф» типдаги ракета катерлари, шунингдек, турли типдаги соқчи катерлар бор.

Исроил Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган янги дастурда қўшинларни замонавий қуроллар ва жанговар техника билан жиҳозлаш, алоқа, автоматлаштириш ва разведка воситалари кенг жорий қилиш, жанговар тайёргарлик ва асосий қўшилма ва қисмларни бутлаш тизимини такомиллаштириш, барча бошқарув органларини ягона ахборот-разведка маконига бирлаштириш ҳамда бош штабнинг ташкилий-штат тузилмасини оптималлаштириш каби вазифалар кўзда тутилган. Умуман олганда, янги ислохотлар режаси миллий армияни минтақадаги ўзгарувчан ҳарбий-сиёсий вазият талабларига мослаштиришга йўналтирилган. Унинг амалга оширилиши Исроил ҚКга сифат жиҳатидан янада юқори даражага кўтарилиш ва қўшни араб давлатлари армияларидан ҳарбий ва ҳарбий-техник жиҳатдан устунликни сақлаб қолиш имконини беради.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

БОШ КОТИБ ЧАҚИРИҒИ



БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Хавфсизлик кенгаши йиғилишида «Толибон» ҳаракати ва бошқа кучларни Афғонистонда инсонпарварлик ҳуқуқига амал қилиш, инсонлар эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлашга, дунё давлатларини эса афғонистонлик қочқинларни қабул қилиш ва уларни ортга қайтармасликка чақирди. Шунингдек, у БМТ ушбу мамлакатда қолиши ва Афғонистон халқига у учун оғир дамларда кўмак кўрсатишни давом эттиришини маълум қилган.

ТАБИЙ ОФАТ ОҚИБАТИДА



Гаитида юз берган кучли zilзила қурбонлари сони 2 189 нафарга етди. Маълумотларга кўра, табиий офат оқибатида 12 мингга яқин одам жабрланган, 37 мингдан кўпроқ уй вайрон бўлган. Гаити Бош вазири Ариэль Анри табиий офат қурбонлари хотирасига мамлакатда 3 кунлик мотам эълон қилган. БМТ Бош котибининг гуманитар масалалар бўйича ўринбосари Мартин Гриффитс халқаро ташкилот zilзиладан жабрланганларга 8 млн доллар ёрдам йўналтиришини маълум қилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ҚўШИБ ҲИСОБЛАГАНДА БИРИНЧИ



Хитой ОАВлари мамлакат ҳудудлари ҳисобланувчи, бироқ халқаро мусобақаларда алоҳида иштирок этувчи Тайвань ва Гонконг спортчиларининг Токиода қўлга киритган медалларини мамлакат медаллари сонига қўшиб, Хитойни «Токио – 2020» ғолиби, деб эълон қилди. Бундай кўринишда Хитой олган олтин медаллар сони 41 та, кумуш медаллар 37 ва бронза медаллар 27 тани ташкил этган. Маълумки, Токиода 39 та олтин, 41 та кумуш ва 33 та бронза медални қўлга киритган АҚШ умумий ҳисобда биринчи ўринни эгаллади. Хитой эса 38 та олтин, 32 та кумуш ва 18 та бронза медалга эришган эди.

O'QUV YIG'INI

ЭПЧИЛЛИК ВА ЧАҚҚОНЛИК СИНОВИ

Мудофаа вазирлиги тасаруфидаги «Тонг» болалар оромгоҳида «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши томонидан ўқувчи-ёшлар ўртасида «Қувноқ стартлар» ва ўқ отиш мусобақалари ўтказилди. Спортсевар ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштирган мусобақа ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетди.



Иштирокчилар «Қувноқ стартлар»да эпчиллик ва чаққонлик бобидаги маҳоратларини намойиш этган бўлса, ўқ отиш мусобақасида қанчалик мерган эканликларини амалда кўрсатиб, ғолиблик учун астойдил курашдилар. Баҳслар қизгин ва мurosасиз кечди.

Мусобақа сўнгида барча иштирокчилар эсдалик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Майор Г. ҲОЖИМУРОВА

Bellashuv

«БИЗ СПОРТЧИ ОИЛАМИЗ»

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш ва уни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш мақсадида юртимизда «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Тошкент гарнизонида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш ва фаол ҳаёт тарзини таъминлаш мақсадида ўтказилган «Биз спортчи оиламиз» спорт мусобақаси шулар жумласидан.



Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларидан ташкил топган жами 6 та жамоа қатнашган баҳсларда даставвал оила бошлиқлари 16 кг тошни кўтариш бўйича куч синашган бўлса, оила бекалари спортнинг дартс тури бўйича мерганлик маҳоратини намойиш қилди. Уларнинг фарзандлари эса эстафета йўналишида жамоаси учун муҳим очколарни ишлаб олишди. Мусобақанинг ҳал қилувчи шартида жамоалар мусиқа садолари остида гимнастрада спорти бўйича ўзаро баҳс олиб борди.

Тадбир ташкилотчиларининг эътирофича, мусобақа ҳарбий оилалардан тушган тақлифлар асосида ўтказилди. Дўстона руҳда ўтган баҳслар якунига кўра, 1-ўринни катта сержант Шерзод Фозилов, 2-ўринни III даражали сержант Хуршид Урдишев, 3-ўринни катта сержант Жуманазар Абдиевлар оиласи эгаллади.

– Рақиб жамоалар ҳам мусобақага кучли тайёргарлик кўриб келганлигининг гувоҳи бўлдик, – дейди катта сержант Шерзод Фозилов. – Аммо омад биз томонда бўлди. Соғлом рақобат ҳукм сурган бундай мусобақаларни кўпроқ ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари Мудофаа вазирлигининг диплом, кубок, медаль ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ

Ота – ҳар бир фарзанд учун қаҳрамон. Айниқса, у ҳарбий бўлса. Улар оталарини кўрқмас, жасур ва мард Ватан ҳимоячиси эканлигидан ифтихор ҳиссини туюдилар, у билан фахрланадилар. Ангрен шаҳридаги ҳарбий қисмда ўтказилган «Менинг дадам – юрт ҳимоячиси!» номли расмлар ҳамда иншоолар танловида болажонлар ана шундай тоза туйғуларини қоғозда самимий изҳор этишди.

«МЕНИНГ ДАДАМ – ЮРТ ҲИМОЯЧИСИ!»



«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида ўтказилган мазкур танловда ўғил-қизлар ўзларига бор ижодий маҳоратни намойиш этди.

– Расм чизишни ҳам, иншо ёзишни ҳам яхши кўраман, – дейди иштирокчи Лолахон Санақулова. – Аммо гап дадамнинг суратини чизиш ҳақида кетганда негадир бунинг уddасидан чиқишим қийин бўлади, ҳаяжонланаман. Дадам мен учун дунёдаги энг яхши ота, намунали ҳарбий хизматчи, ватанпарвар инсон. Бугун мен дадамга ҳеч қачон айтмаган гапларимни иншода ёза олдим. Бундан қувончим чексиз.

Иштирокчиларнинг ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Ғолиб ва фаоллар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Қуроли Кучлар хизматчиси
Гулнисо САЙДАЛИЕВА

ЙИЛЛИК БАХТ РЕЙТИНГИ



Ўзбекистон БМТнинг йиллик бахт рейтингига Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, умумий ҳисобда эса 42-ўринни эгаллади.

Турмуш фаровонлиги, аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми, умр кўриш давомийлиги ва ўлим даражаси, хавфсизлик, фуқаролик эркинликлари, барқарорлик ва коррупция даражаси, шунингдек, пандемиянинг ўлим даражаси, ишсизлик каби кўрсаткичлар ҳисобга олинган мазкур рейтингда Қозоғистон 45-, Қирғизистон 67-, Тожикистон 78-, Туркменистон 97-ўринда қайд этилган.

БССТ ЁРДАМ КЎРСАТДИ



Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) Туркменистонга коронавирус инфекциясига қарши курашиш учун мўлжалланган махсус лаборатория ускуналаридан иборат бўлган юкларни етказиб берди. Бу ҳақда халқаро ташкилот матбуот хизмати хабар берган. Ускуналар таркибидан вирусни аниқловчи реагентлар тўпламлари, инфекцияни реал вақт режимида детекцияловчи Rotor-Gene аппаратлари жой олган. Маълумотларга кўра, Бутунжаҳон банки Туркменистонга коронавирус профилактикаси учун 20 млн доллар ажратиши кўзда тутилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

МУЗЛИККА ҚЎНИШ ЧОҒИДА



Тожикистонда тоғда қолиб кетган россиялик туристларга ёрдам бериш учун йўл олган вертолёт ҳалокатга учради, деб хабар қилади РИА Новости. Авиаҳалокат

натijasида вертолёт учувчиси қурбон бўлган, бортдаги тўрт киши жароҳатланган. «Олти метрдан юқори баландликда туристлардан бири кўчки остида қолган. Бошқалар бу ҳақда хабар берганидан сўнг улар билан алоқа узилиб қолган», деди агентлик суҳбатдошларидан бири. Унинг сўзларига кўра, вертолёт тоғдаги музликка қўниш чоғида ҳалокатга учраган.

ЮРТНИ УЛУҒЛАГАНЛАР ЭЛ АРДОҒИДА

Маълумки, XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари 23 июлдан 8 августгача Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 67 нафар вакилимиз қатнашиб, 17 та спорт тури бўйича 71 йўналишда медаллар учун кураш олиб борди. Токиода мусобақалар якунланган бўлса-да, унда спортчиларимиз эришган муваффақиятлар шуқуҳи спортсевар халқимиз орасида ҳануз давом этмоқда, юртни улуғлаганлар ардоқланмоқда. Спортчиларимиз ҳам муносиб тақдирланди, уларга давлат мукофотлари топширилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғалари ҳадя этилди.

XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз спортчилари 3 та олтин ва 2 та бронза, жами 5 та медални қўлга киритди, шунинг 2 тасига Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари эришди. Эслатиб ўтамиз, «Токио – 2020»да юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган вакилларимизнинг қарийб учдан бир қисмини MVSM аъзолари ташкил этганди. Жамоамизга илк олтин медални MVSMнинг 19 ёшли таэквондочиси Улуғбек Рашитов келтирди. У бундай муваффақиятга эришган юртимиздаги энг ёш спортчи бўлди. Оғир атлетикачи Акбар Жўраев умумий ҳисобда 430 килограмм тош кўтариб, Олимпия рекордини ўрнатди ва терма жамоамиз ҳисобига иккинчи олтин медални тортиқ этди. Моҳир боксчи Баҳодир Жалолов энг оғир вазн тоифасида Олимпиада чемпиони бўлди. MVSM дзюдочиси Давлат Бобонов ва эркин курашчимиз Беҳзод Абдурахмонов Олимпия ўйинларининг бронза медалини қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон 206 мамлакат орасида 32-ўринни эгаллади. Мамлакатимиз медаллар сифати бўйича Осиё давлатлари орасида бешинчи, МДХ мамлакатлари орасида иккинчи, Марказий Осиё минтақасида эса биринчи натижага



эришди. Шунингдек, атлетларимиз 3 марта Олимпия рекордини янгилашди. Албатта, бу натижалар Янги Ўзбекистон учун, яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 30 йиллик шодиёнаси учун спортчиларимиздан муносиб совға бўлди. Ўз навбатида, «Токио – 2020» ёзги Олимпия ўйинларида юртимизни шарафлаган спортчиларимиз ҳам Тошкент аэропортидаёқ карнай-сурнай садолари остида, катта ҳурмат-эҳтиром билан тантанавор руҳда муносиб кутиб олинди. Юртни улуғловчи куй-қўшиқлар янграши, айниқса, Ватанимиз мадҳияси Тошкент аэропортида жамланган спортчилар, уларнинг ота-оналари, мураббийлар ва кенг спорт жамоатчилиги томонидан жонли ижро этилиши тантанали тадбирни ҳақиқий спорт байрамига айлантириб юборди. Шундан сўнг олимпиячиларимиз аэропортдан Миллий Олимпия қўмитаси томон икки қаватли махсус автобусларда сайрга чиқди. Кеч тун бўлишига қарамай Олимпия майдонида Ватан шаънини улуғлаганларни халқимиз, минг-минглаб ёш спортчилар йўл четида турнақатор бўлиб қаршилашди, қарсақлар чалиб қутлашди. Миллий Олимпия қўмитасида эса XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида зафар қучган спортчиларимизни тақдирлаш маросими ўтказилди. Токио спорт майдонларида медалларга мушарраф бўлган ҳар бир спортчимизга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғалари – енгил автомашина ва уй-жой калити тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 августдаги фармонида мувофиқ, Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакиллари ҳам бор. Хусусан, «Токио

– 2020» ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юқори натижаларга эришгани, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини ошириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун MVSM вакилларида таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Давлат Бобонов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан, қиличбозлик бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Зайнаб Дайибекова ҳамда бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Миразизбек Мирзахалилов «Жасорат» медални билан, байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Нилуфар Зокирова ва Дилноза Рахматова, дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Диёра Келдиёрова, енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Сафина Садуллаева ҳамда ўқ отиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Мухтасар Тохирова «Келажак бунёдкори» медални билан, оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Адхамжон Эргашев «Шуҳрат» медални билан тақдирланди.

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланган таэквондо бўйича «Токио – 2020» Олимпия ўйинлари чемпиони, MVSM аъзоси Улуғбек Рашитов давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик изҳор қилди:

– Мухтарам Президентимизга спортга шу қадар кўп вақт ажратаётганлари учун катта раҳмат айтмоқчиман. Шу тўғрисида биз, спортчи ёшларда барча шароитлар бор ва халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиш учун барча имконият мавжуд.

Давлатимиз раҳбари томонидан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилиши мен учун катта шараф. Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши билан ҳар қандай марраларни забт эта оламиз. Мен Ўзбекистон байроғини юқорига кўтаришга, мадҳиямиз янграшига ва халқимизни хурсанд қилиш учун боримни берман. Токиодаги Олимпиададан кейин Ўзбекистонга қайтиб келганимизда юртдошларимиз бизни ажойиб тантана билан кутиб олишди. Менимча, ҳеч қайси мамлакатда спортчиларни бундай кутиб олишмаган. Бунинг учун ҳукуратимизга катта раҳмат айтаман. Худо хоҳласа, 2024 йил Париж Олимпиадасида ҳам олтин медални олиб келишга ваъда берман. Париждаги Олимпиадада барча ўзбекистонлик спортчиларда олтин медаль бўлишини тилаб қоламан. Яна бир бор катта раҳмат!

«Токио – 2020»да дзюдо бўйича совриндор бўлган MVSM аъзоси Давлат Бобонов оиласи билан Юртбошимиз томонидан совға қилинган «Trailblazer» автомобилида иккинчи мукофот – янги хонадонига ташриф буюрди. Улар ўз таассуротларини журналистлар билан ўртоқлашар экан, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга ўзларининг ташаккурларини айтишди.

– Олимпия ўйинларида спортчилар ўз юрти, номи, оиласи шарафини ҳимоя қилади. Ватаним учун кўрсатган кичик хизматим мана шундай юксак баҳоланганидан жуда ҳам хурсандман. Бу, албатта, биз, спортчиларни келгусида янада улкан ғалабалар сари чорлайди, – деди Бобонов.

«Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг тантанали ёпилиш маросимида Олимпия байроғи Париж шаҳри спорт мутасаддиларига топширилганди. Навбатдаги Олимпия ўйинлари йўлидаги ишлар ҳам бошланди. Хусусан, 2024 йили Франция пойтахти Парижда ўтайдиган XXXIII ёзги Олимпиада ўйинларининг спорт турлари рўйхати тасдиқланди. Унга кўра, «Париж – 2024»да 28 та спорт тури бўйича Олимпия баҳслари ўтказилади. Ташкилий қўмита қарорига биноан каратэ, бейсбол ва софтбол навбатдаги Олимпия ўйинларининг дастурига киритилмади. Уларнинг ўрнини эса брейк-данс, скалолазание, скейтбординг ва серфинг спорт турлари эгаллайдиган бўлди. Яна уч йилдан сўнг «Париж – 2024»да ҳам ўзбек спортининг зафарли юриши давом этишига ишонимиз.

* * *

Дарвоқе, MVSM вакили Бобоновнинг «Токио – 2020»даги иштирокига оид қизиқарли бир факт. Бобонов мусобақа давомида италиялик Николас Мунгай, испаниялик Николаз Шеразадишвили ва туркиялик Миҳаил Зганк каби рақибларни енгди. Қизиги, у бунгача Мунгай билан бир, Зганк билан икки, Шеразадишвили билан уч марта ўзаро тўқнаш келган ва барчасида мағлуб бўлганди. Бу билан «полвонимиз Токиода ўзининг азалий рақибларидан ҳам реванш олди», дейишимиз мумкин. Ёхуд аксинча, «Токио – 2020»да Бобоновни ҳам мағлуб этиб, чемпион бўлган грузиялик Лаша Бекаури бизнинг полвонимиздан реванш олди. Чунки Бекаури 2020 йил Дюссельдорфда ўтказилган «Катта дубулға» турнирида айнан Бобоновга имкониятни бой бериб қўйганди.

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»



MUDOFAGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKILOTLARIDA

Қўшалок Байрамга Тўхфамиз бор,

ДЕЙДИ БОЁВУТЛИК «ВАТАНПАРВАР»ЧИЛАР



Харбий-ватанпарварлик тарбияси, техник мутахассислар ҳамда оммавий касбадаги ходимларни тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сирдарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Боёвут тумани ўқув-спорт техника жамоаси ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, бугунги кун талаблари асосида ҳайдовчилар тайёрлашга эътибор қаратаётган мазкур ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) жорий йилнинг ўтган даврида 675 нафар ҳайдовчи тайёрланди. Бунинг учун «В»,

«ВС», «ВЕ», «СЕ», «D» тоифали ҳайдовчилар тайёрлаш кўлами янада ривожлантирилиб, бўлажак ҳайдовчиларнинг етарли даражада билим олишлари учун ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар олиб борилмоқда.

– Шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиси бўлишни хоҳловчилар учун «А» тоифали ўқув курслари ҳам ташкил этилган, – дейди ўқув-спорт техника клуби бошлиғи Жамол Холиқов. – Бунинг учун «Lochin» русумли мотоцикл харид қилинди. Ўз навбатида бу йўналиш ҳам жамоамизнинг умумий даромадига сезиларли даражада улуш қўшмоқда. Айни пайтда бир неча гуруҳларда ўқув машғулоти давом эттирилиб, қўшалок шодиёна – мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамига ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил этилганлигининг 30 йиллигига муносиб тўхфа сифатида тайёрланган гуруҳлар сонини 30 тага етказамиз. Шунингдек, ташкилотимизда ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам самарали фаолият олиб борилмоқда. Шу босидан туман ҳокимлиги, мудофаа ишлари, Ёшлар ишлари агентлиги, халқ таълими, бандлик ва меҳнат муносабатлари, адлия бўлимлари билан биргаликда ташкилий-оммавий ишларнинг қўшма режаси ишлаб чиқилган. Унга асосан ёшларни ижтимоий-фойдали ҳамда оммавий-ватанпарварлик ишларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

– 2021 йилнинг ўтган ойлари мобайнида 51 мартаба турли мавзулардаги маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбири ўтказилди, – дея суҳбатга қўшилди ЎСТК бошлиғининг маънавий-маърифий

ишлар бўйича ўринбосари Сабоҳат Каримова. – Туманимиздаги жами 55 та маҳалла ва 56 та умумтаълим мактабига ходимларимиз бириктирилган. Улар ўз навбатида профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришади. Умуман олганда, тумандаги 4 та сектор ходимлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни пайтда клуб аъзолари спортнинг ҳаво милтиғидан ўқ отиш, дуатлон, триатлон, ёзги биатлон ва катинг каби муҳим турлари билан шуғулланиб келишмоқда. Шу йил бошидан ҳозирга қадар 9 марта турли спорт мусобақаси ўтказилди. Масалан, жорий йилда Мирзаобод туманида ўтказилган ҳаво милтиғидан ўқ отиш мусобақасида спортчимиз Самира Жумабоева фахрли 1-ўринни эгаллаб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Шу ўринда биз Боёвут туманида ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ишларига қандай аҳамият берилаётганлиги билан қизиқдик. ЎСТК кадрлар бўлими мутахассиси Дилноза Бобоеванинг таъкидлашича, бу йўналишнинг 1-босқичида «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган 30 нафар ёш «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсларида таълим олмоқда. 2-босқичда ҳам 38 нафар ўқувчи «ВС» тоифали ҳайдовчиликка ўқимоқда. Бундан ташқари, «Техник хизмат кўрсатиш мутахассисларини тайёрлаш курслари» ҳам ташкил этилиб, унда 35 нафар киши газ-электрпайвандчи, автоэлектрик ҳамда вулканизаторчи мутахассисликлари бўйича ўқитилиши йўлга қўйилди. Бунинг учун керакли ускуналар билан жиҳозланган ўқув ва лаборатория хоналари ташкил этилди.

Бундан ташқари, туман ўқув-спорт техника клуби ва Ширин шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бири билан ҳамкорлик меморандуми



имзоланиб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ва ҳарбий хизматчилар ихтиёрий равишда «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилик курсларида таълим олиш имкониятига эга бўлдилар. Энг муҳими, ҳарбий хизматчиларга қулайлик яратиш мақсадида шу ернинг ўзида синфхоналар жиҳозланиб, машғулотлар жойида олиб бориладиган бўлди.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ



Боёвут тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси туманда истиқомат қилаётган барча ёшларни «А», «В», «ВС», «ВЕ», «СЕ» ҳамда «D» тоифали ҳайдовчилик курсларига, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турлари – «Ҳаво милтиғидан ўқ отиш», «Ёзги биатлон», «Дуатлон», «Триатлон» ҳамда «Катинг» каби тўғаракларда шуғулланишга таклиф этади.

📍 Боёвут тумани Боёвут шаҳарчаси, Ҳумо кўчаси, 17-уй. «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув биноси.
☎ 95 511-38-00; 97 494-00-02.



DIQQAT, TANLOV!

“VATANPARVAR” TASHKILOTI — JURNALIST NIGOHIDA”



O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi “Vatanparvar” tashkiloti tashkil etilganiga 30 yil to'layotgani munosabati bilan jurnalistlar va blogerlar o'rtasida “Vatanparvar” tashkiloti — jurnalist nigohida” mavzusidagi respublika tanlovini e'lon qiladi.

Unda mamlakatimiz hamda boshqa davlatlarda yashovchi barcha jurnalist va blogerlar ishtirok etishlari mumkin.

NOMINATSIYALAR:

- “Eng yaxshi telejurnalist”;
- “Eng yaxshi radiojurnalist”;
- “Eng yaxshi bosma OAV jurnalisti”;
- “Eng yaxshi Internet jurnalisti”.

Ishtirokchilardan quyidagilar so'raladi:

- “Vatanparvar” tashkiloti faoliyati, uning rivojlanish yo'nalishlari, yurtimiz ijtimoiy hayotida tutgan o'rnini hamda amalga oshirilayotgan islohotlar haqida axborot berish;
- “Vatanparvar” tashkiloti tomonidan aholi, ayniqsa, yoshlarni Vatanga sadoqat, harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ular orasida sportning texnik va amaliy turlarini ommalashtirish bo'yicha yo'lga qo'yilayotgan yangicha samarali tizimlarni ochib berish;
- respublikamiz aholisi, shu jumladan, yoshlar uchun “Vatanparvar” tashkiloti tizimidagi sport seksiyalari va to'garaklari hamda ommaviy texnik kasblarga o'qitish kurslarida yaratilgan shart-sharoitlar, imkoniyatlar haqida ommaviy xabardor qilish;
- bolalar, o'smirlar va yoshlarda “Vatanparvar” tashkiloti safiga kirish xayrixohligi va ishtiyoqini uyg'otish.

TANLOVNI O'TKAZISH TARTIBI VA MUDDATLARI:

- bir bosqichda o'tkaziladi;
- tanlov komissiyasi 2021-yilning 23-noyabriga qadar eng yaxshi

ishlarni tanlab, g'olib va sovrindorlarni aniqlaydi;

– ishtirokchilar o'z materiallarini (ya'ni maqola, blog, ko'rsatuv, videorolik, eshittirishlarni) joriy yilning 1-noyabriga qadar quyidagi manzilga yuborishlari lozim:

100017, Toshkent shahri, Osiyo ko'chasi, 86-A uy, O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi “Vatanparvar” tashkiloti Markaziy kengashi.

matbuot@vatanparvar.uz

71 235-52-63.

KELGAN MATERIALLARNI ORGANISH TARTIBI:

- ommaviy axborot vositalari, jumladan, televideniye, radio, bosma nashrlar, veb-saytlar yoki messenger va ijtimoiy tarmoqlardagi rasmiy kanal va sahifalarda e'lon qilingan materiallarga qabul qilinadi;
- tanlov komissiyasi har bir jurnalistik materialni xolislik va shaffoflik prinsiplariga asoslangan holda o'rganadi.

JURNALISTLARDAN QABUL QILINADIGAN MATERIALLAR:

- bosma nashrlardagi maqolalar davriy nashrlarda, Internetdagi materiallar A-4 formatdagi qog'ozda, e'lon qilingan sayt manbasi ko'rsatilgan holda taqdim etilishi lozim. Ishning hajmi – 1,5 intervalda, Times New Roman, 14 shriftda bo'lishi kerak;



O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi “Vatanparvar” tashkiloti matbuot xizmati

BIR CHIMDIM

Tarixdan olinadigan yagona saboq shundaki, odamlar tarixdan hech qanday saboq olishmaydi.

Bernard SHOU

Dunyoda shunday yagona davlat borki, bayrog'ining rangi vaziyatdan kelib chiqib, o'zgarishi mumkin. Urush holatida ushbu bayroqning pastki qismidagi qizil rang tepadagi ko'k rang bilan o'zni almashtiriladi.



Javob: Filippin

Londonni tumanlar shahri, Parijni go'zallar shahri, Monaroni kazinolar shahri, deyishadi. Yevropadagi qaysi davlat poytaxtiga nisbatan dengizchilar shahri ta'rifi qo'llaniladi.



Javob: Portugaliya poytaxti Lissabon



SHU SONNING ELEKTRON SHAKLI

KELGUSI SONLARDA:

ArMI – 2021: jarayonlar, natijalar, rekordlar

VATANPARVAR

Muassis



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Bosh muharrir:

mayor
Ahror Ochilov

Navbatchi:

mayor
Gulnora Hojimoreddova

Sahifalovchilar:

Begali Eshonqulov
Dilnoza Meliqo'ziyeva

Musahhihlar:

Sayyora Meliqo'ziyeva
Sayyora Mirzayeva

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 269-88-91
faks: 71 260-32-29

ISSN 2010-5541

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – «Vatanparvar» Birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma: Г-805
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 30 011 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqib boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114. Bahosi: kelishilgan narxda.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz: 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.